2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

№17-19 (870-872)
2025 йил 7 март, жума

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.




# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ

**6 март куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрлиқларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фавқулодда ва мухтор элчилар – Миср Араб Республикасидан Тамер Фатхи, Италия Республикасидан Пергабриель Пападиа де Боттини, Қирғиз Республикасидан Дуйшонқул Чотонов, Беларусь Республикасидан Александр Огородников, Грузиядан Давид Котария ва Туркия Республикасидан Уфук Улуташнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини Янги Ўзбекистондаги шарафли миссияси бошлангани билан самимий табриклади.

Дунёда зиддиятлар кескинлашиб, геосиёсий рақобат кучайиб бораётган ҳозирги даврда дўст давлатларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши ҳар қачонгидан ҳам муҳим экани таъкидланди.

Бундай шароитда Ўзбекистон ўзининг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати билан ўзаро ҳурмат ва дўстликни мустаҳкамлаб, дунёнинг барча минтақаларидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар ва глобал молиявий институтлар билан амалий шерикликни ривожлантирмоқда.

Президентимиз умумий сиёсий ирода туфайли Марказий Осиё яхши қўшничилик, ишонч ва интеграция минтақасига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларида раислик қилмоқда ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган тарихий саммитга тайёргарлик кўрмоқда.

Бўлаётган жадал ўзгаришлар туфайли минтақамизга қизиқиш тобора ортиб, “Марказий Осиё плюс” мулоқот майдони кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Жорий йил апрель ойида мамлакатимизда “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити, май ойида эса “Марказий Осиё – Кўрфаз араб мамлакатлари” форматидаги иккинчи учрашув бўлиб ўтади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида 11 та резолюция қабул қилингани алоҳида қайд этилди.

Жорий йилда мамлакатимизда Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси ва ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилиши, 2027 йилда Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига раислик қилиши ҳам давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Ўтган йили жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 35 миллиард долларни ташкил этиб, экспорт 27 миллиард доллардан ошган. Янги инновацион форматда ўтказиладиган Тошкент инвестиция форумига тайёргарлик кўрилмоқда.

– Ислоҳотларимиздан кўзланган асосий мақсад – ҳар бир инсон манфаатларини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш, “келажак иқтисодиёти” ва илғор инфратузилмани барпо этиш, жозибадор инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлашдан иборат. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида белгилаб олган улкан мақсад ва режаларимизни амалга ошириш учун бизда етарли салоҳият ва имкониятлар, энг муҳими, кучли интилиш ва сиёсий ирода бор, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлагани учун дипломатик миссиялар раҳбарлари вакиллик қилаётган мамлакатлар ҳукуматларига миннатдорлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Миср Араб Республикаси элчисига мурожаат қилар экан, ушбу мамлакат Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги ишончли ҳамкори эканини таъкидлади.

Сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ўтган йили Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, 3 та йирик бизнес форуми муваффақиятли ўтказилди. Икки мамлакат етакчи компанияларининг кооперацияси кенгаймоқда.

Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг мамлакатимизга ташрифи икки томонлама муносабатларда янги даврни бошлашда муҳим воқеа бўлиши таъкидланди.

Мисрнинг етакчи ташкилотлари ва компаниялари иштирокида энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, геология, туризм, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Араб давлатлари лигасининг яқинда ўтган саммитида Миср Президенти томонидан илгари сурилган Ғазони тиклаш режасини қабул қилиш ташаббусини юқори баҳолади.

Ўзбекистон етакчиси Италия улкан сиёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга муҳим стратегик шерик эканини таъкидлади.

Бугунги кунда Италия компаниялари билан “яшил” энергетика, кимё, машинасозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, таълим ва туризм соҳаларида йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ташқи ишлар вазирларининг “Италия – Марказий Осиё” форматидаги мулоқоти давом этмоқда. Турин политехника ва Пиза университетларининг Тошкент шаҳридаги филиали самарали фаолият юритмоқда.

Ўтган йили биринчи марта етакчи олий таълим муассасалари форуми ўтказилди. Яқинда Рим ва Виарежио шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Яқин кунларда Ҳукуматлараро ишчи гуруҳ йиғилиши ва бизнес форуми, Ломбардия губернаторининг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда Ҳудудлар кенгаши бўлиб ўтади. Бундан ташқари, қўшма инвестиция фондини ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Италия Бош вазирининг мамлакатимизга жавоб ташрифини ташкил этиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Қирғизистон Ўзбекистоннинг яқин қўшниси ва стратегик шеригидир.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар ортди, қўшма корхоналар сони 300 тага етди. Ҳудудларда автомобиль заводи, тўқимачилик фабрикалари, тиббиёт марказлари, агрокластерлар ишга тушди.

Ўтган йил декабрь ойида “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бошлангани муҳим тарихий воқеа бўлди.

Шу ойда Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон етакчилари иштирокида уч томонлама саммит бўлиб ўтади.

Ҳукуматлараро ва парламентлараро комиссиялар, Ҳудудлараро форум ва Ишбилармонлар кенгаши фаолияти натижадорлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон – Беларусь ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ўтган йил февраль ойида Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифи кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қўшимча суръат бағишлади.

Товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда, қўшма корхоналар сони 240 тага етди. Яқин кунларда сиёсий маслаҳатлашувлар, Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва ишбилармонлик тадбирлари бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги, электротехника, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида кооперацияни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Ҳудудлараро, тиббиёт ва таълим форумларини самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Грузия Жанубий Кавказдаги ишончли ҳамкоримиз эканини таъкидлади.

Ўтган йили товар айирбошлаш 50 фоизга ошди. Юк ташиш ҳажми ортмоқда, банк соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Ҳукуматлар ва парламентлар даражасидаги алоқалар фаоллашди, маданий ва туризм алмашинувлари кенгаймоқда.

Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзенинг куни кеча Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи якунлари икки томонлама муносабатлар ривожида янги босқич бўлишига ишонч билдирилди.

Товар айирбошлашни янада ошириш, логистика ва транзит, туризм, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳаларида кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда ҳудудлар бизнес форуми, миллий маҳсулотлар ярмаркаси, маданият кунларини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия элчисига мурожаат қилар экан, фаол сиёсий мулоқот туфайли икки томонлама муносабатлар кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Ўтган йили товар айирбошлаш 3 миллиард долларга, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2 миллиард долларга, қўшма корхоналар сони 2 мингтага етди. Туркиянинг етакчи компаниялари билан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Тошкентда Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилмоқда.

Янги истиқболли йўналишлар ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш мақсадида жорий йилда Ўзбекистонда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларга шарафли ва масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади, шерикликни мустаҳкамлаш учун мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаланишга чақирди, ҳудудлар ва хусусий бизнес вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилишни тавсия қилди.

Ўз навбатида, дипломатлар самимий қабул ва самарали фаолияти учун яратилган шароитларга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни фаол илгари суриш йўлида ўзларининг бутун профессионал тажрибаси ва билимидан фойдаланишга тайёр эканини таъкидладилар.

**ЎзА.**

*Коррупциянинг омилларига қарши курашилмоқда. Масалан, ерни ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечиб, аукцион тизимига ўтказилгани натижасида бу тизим халқчил бўлди. “Шаффоф қурилиш” дастури жорий этилганидан кейин бу соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар сезилди.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ**нинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги нутқидан.







**Козим ТУЛЯГАНОВ,** Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси.

**Баҳор том маънода аёлларни ардоқлаш билан бошланади. Чунки мафтункор фаслнинг илк байрами 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунидир. Шу муносабат билан юртимиздаги барча аёлларни, қадрли опа-сингиллару мунис онахонларни муборакбод этамиз.**

Ҳаётимизнинг кўрки ва файзи, жамият ва оиланинг устуни бўлган хотин-қизларимизни ҳурмат қилиш доно халқимиз учун азалдан юксак қадрият саналган. Зеро, сизлар билан ҳаётимиз мазмунли, хонадонларимиз нурафшон. Сизлар ҳар бир соҳада гўзал ибрат ва намуна кўрсатиб келасизлар.

Бугун қурилиш-бунёдкорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим жиҳатига айланган замонда яшаяпмиз. Шу боис, бу жараёнда маҳоратли меъморлар, қурилиш ва бунёдкорлик ҳамда шаҳарсозлик соҳасида фаолият юритувчи опа-сингилларимизнинг хизмати алоҳида ўринга эга. Улар ўз ақл-заковати, туганмас меҳри ва фидойилиги билан ёш кадрларга доимо ўрнак бўлиб келмоқдалар. Уларнинг билиму тажрибаси ва ташаббускорлигига ҳар бир ишда таянамиз. Хусусан, фахрий архитекорлар, тажрибали устоз ва мураббий аёлларнинг борлиги туфайли ҳам соҳа янада тараққий этмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Мунис опа-сингилларимизнинг бундан кейинги меҳнат фаолияти ҳам унумли ва баракали бўлсин. Яна бир бор гўзаллик ва нафосат байрами билан сизларни қутлаймиз. Сизларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва фарзандларингизнинг камолини кўришни тилаб қоламиз. Ризқу насибангиз ҳамиша зиёда бўлсин! Баҳор кайфияти сиз, азизларга, доимо ҳамроҳ бўлсин!

Байрамингиз муборак бўлсин!


*8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган материаллар билан 3-6, 12-бетларда танишасиз.*



Сардор ЭРАЛИЕВ, Тойлоқ тумани ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкалазорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари.

# ТОЙЛОҚНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ



**Самарқанд вилоятининг кенжа тумани – Тойлоқда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, яшаш шароитини яхшилаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширияпти. Маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқнинг давлатдан миннатдор бўлишини таъминлаш борасидаги ишларга жиддий аҳамият қаратилаётгани бу борадаги ютуқларга кенг йўл очмоқда. Давлат дастури доирасидаги ишлар, кенг миқёсдаги бунёдкорликлар, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш борасидаги юмушлар ҳам муваффақиятларимиз омили бўляпти, десак арзийди.**

Хусусан, бунёдкорлик соҳасидаги режалаштириш ишларининг тўғри йўлга қўйилгани сабабли илгариги пастқам, тартибсиз иморатлар ўрнини бугун замонавийлари эгаллади. Ана шу шижоат кейинги йилларда янада авж олди. Ўтган йилга мўлжалланган ижтимоий инфратузма дастурларининг ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдик. Қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш, қолаверса, аҳолига қулай шароитлар яратиш, чекка ҳудудларни ривожлантириш мақсадида 2024 йилда тумандаги 35 та маҳаллада қишлоқларнинг архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларни ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Жумладан, 2024 йилда жами 114,1 километр, шундан 39,5 километр асфальт ва 76,4 километр шағал йўлларни таъмирлаш, 8 та янги ТП ўрнатиш, 21, 7 километр электр тармоғини тортиш, 7 та мактабда реконструкция ишларини олиб бориш, 3 тасини мукаммал таъмирлаш, 1 та мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш, 2 та соғлиқни сақлаш объектини жорий таъмирлаш ва реконструкция қилиш, 5 та ичимлик суви иншоотини қуриш, 31 километр масофага сув тармоғини тортиш, 3,5 километр пиёдалар йўлагини барпо этиш, 150 та тунги ёритгич ўрнатиш, янги тартиб асосида 1 ва 7 қаватли 63 хонадонли ҳамда "Янги Ўзбекистон" массивида 10 та 16 қаватли 1120 хонадонли уй-жойлар қуриш каби ишлар бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ-404-сонли қарори бўйича инвестиция дастурига биноан, туманда умумий қиймати 57,36 миллиард сўмлик 16 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шу жумладан, 7 та мактабда реконструкция ишлари олиб борилиб, 2190 ўринли қўшимча бино қурилиши якунланди. Шунингдек, 4-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳам реконструкция қилиниб, 150 ўринли янги бино қурилди. Мазкур қарор асосида шунингдек, "Галаботир" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 50 қатновли Ибн Сино ОШП биноси ҳам реконструкция қилиниб, Тойлоқдаги олимпия ва паролимпия спорт турларига тайёрлаш марказига 250 ўринли ётоқхона, 250 ўринли ошхона, 34х36 ўлчамли спорт зали қуриб берилди.

Булардан ташқари, "Ташаббусли бюджет" дастури доирасида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳам эътиборга сазовордир. Жумладан, ушбу лойиҳа доирасида соғликни сақлаш, таълим, спорт ҳамда ижтимоий соҳалар бўйича умумий қиймати 8 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилди.

Ўрни келганда, туманда ташкил этилган "Янги Тойлоқ бошқарув сервис" МЧЖ ишчи-хизматчилари фаолияти ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдириш мумкин. Ушбу бошқарув компанияси 40 дан зиёд кўп қаватли уй-жойларга намунали хизматни йўлга қўйиб, халқнинг олқишини оляпти.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда туманимизда олиб борилаётган бу ўзгаришлар, янгиланишлар ва ободлик ҳудудга янада кўркамлик бағишлаш билан бир қаторда унинг порлоқ келажагини таъминлашга ҳам хизмат қиляпти.

# Жомбойдан Ургутга бориш енгиллашади

Нигора НОЗИМЖОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Темир йўллар мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос қон томири ҳисобланади. Йўловчилар ва халқ хўжалиги юкларини узвий ва белгиланган манзилларга етказишда темир йўлларнинг ўрни ҳамда роли беқиёс.**

Шу боисдан ҳам сўнгги йилларда республикамизнинг узоқ ва чекка ҳудудларига олиб борадиган турли йўналишлар бўйича темир йўл тармоқлари тортилиб, поездлар қатнови йўлга қўйилмоқда. Жомбойдан Ургут тумани йўналиши бўйича қурилиши режалаштирилаётган темир йўл ҳам соҳадаги муҳим янгиликлардан бири.

Унинг тамал тошини қўйишга бағишланган тадбирда масъуллар янги темирйўл тармоғи ҳудуддаги аҳолининг узоғини яқин қилиши билан бирга, у ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хориж бозорига экспорт қилишда яқин кўмакчи бўлишини таъкидлашди.

– Мазкур йўлнинг барпо этишдан мақсад Ургут туманидаги эркин иқтисодий зоналарини ривожлантириш, келажакда одамларга қулайликлар яратиш ва, албатта, йўловчиларни вилоят маркази ҳамда туманларга поездларда тез етказишдан иборат, – деди "Toshtemiryulloyiha" МЧЖ директори Расулжон Рўзиев.

Узунлиги 50 километрдан ортиқ бўлган янги тармоқ лойиҳаси "Toshtemiryulloyiha" МЧЖ томонидан замонавий муҳандислик ечимлари ҳисобга олинган ҳолда яратилган. Жомбой тумани ҳудудидан бошланадиган янги тармоқ билан вилоят нуронийлари таништирилди. Ҳайрли иш олдидан отахонлар дуога қўл очиб, йил охирига қадар барпо этилиши белгиланган темир йўл тармоғи узоқ йиллар халқимизга хизмат қилишини тилашди.

– Ургут халқи тадбиркор халқ. Маҳаллий аҳоли қуруқ мевалар ишлаб чиқаришади, – деди "Нуроний" жамғармаси Ургут тумани бўлими раиси Фармон Азизов. – Барпо этиладиган ушбу темирйўл тармоғи ана шу маҳсулотларни экспорт қилишда жуда катта ҳисса қўшади, деб умид қиламиз. Бу ишлар халқимизнинг меҳнатсеварлиги, тантилиги чет мамлакатлар билан алоқалари яхши эканини намоён этади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, Жомбой туманидаги "MAN" заводи яқиндан бошланувчи мазкур темир йўл 4Р 238-автомобиль йўлини кесиб, Зарафшон дарёси бўйлаб ўтади, сўнгра ушбу дарё устида барпо этиладиган кўприк орқали Ургут туманига бориши режалаштирилган.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккиi, янги темир йўл тармоғининг қурилиши Жомбой, Тойлоқ, Ургут туманларининг нафақат иқтисодий салоҳияти учун балки сайёҳлик нуфузи учун ҳам фойдали бўлади. Бу тармоқлар орқали режага кўра, йўловчилар ҳам ташилади. Шу боисдан замонавий бекатлар аҳоли гавжум ҳудудларда қад ростлайди. Масалан, Самарқанд вилоятининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош бўлган Ургут туманида жойлашган "Жартепа" чегара божхона пости яқинида ҳам бекат қурилади. Бу эса қўшни республика аҳолиси учун ҳам юртимизнинг исталган ҳудудига темир йўл орқали етиб бориш имконини беради.

# Семинар ташкил этилди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2024 йил 3 декабрдаги топшириқ хатига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раҳбарлигида туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан очиқ мулоқот ўтказилган эди. Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг топшириқ хатига асосан, жойлардаги туман ва шаҳар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари ва юристлари иштирокида ўзбошимчалик билан қурилган қурилишлар, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши туфайли фуқароларга етказилган зарарларни қоплаш, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид масалалар юзасидан семинар ташкил этилди.**



Унда Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг туман (шаҳар) бўлимлари, Давлат кадастрлари палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва унинг туман (шаҳар) бўлимлари вакиллари иштирок этдилар. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьяси Р. Худайберганова 2024 йил давомида маъмурий судлар томонидан қурилиш йўналишида олиб борилган ишлар, қурилиш бўлимлари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳамда амалиётда учраётган муаммолар ҳақида маълумот берди.

Семинарда Давлат кадастрлари палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги "Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 28-сонли қарорининг мазмун-моҳияти бўйича ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини бекор қилиш ва ер участкаларини олиб қўйиш ҳақидаги даъволари бўйича ишларнинг иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши билан боғлиқ масалаларда маърузалар тингланди.

Тадбир давомида кадастр ва қурилиш бўлимлари вакилларини қизиқтирган саволларга судьялар томонидан батафсил жавоб берилди. Келгусида бундай йиғилишларни мунтазам ўтказиш, юзага келаётган муаммолар бўйича амалдаги қонунчиликка таклифлар киритишга келишиб олинди.

# Бухорода ичимлик суви таъминоти янада яхшиланди



Зулфизар МАВЛОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистоннинг экологик шароити, айниқса, қурғоқчил минтақалардаги ичимлик суви таъминоти доимий эътиборда бўлиб келган. Сўнгги йилларда бу борада катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, Бухоро вилоятининг олис туманларида замонавий сув иншоотлари барпо этилиб, аҳолининг ҳаёт сифати сезиларли даражада яхшиланяпти.**

Шу мақсадда, Осиё инфратузилма инвестициялари банки иштирокида Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш лойиҳаси йўлга қўйилди. Ҳозирда лойиҳанинг биринчи босқичида Қоровулбозор туманида сув таъминоти тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб бориляпти. Режага кўра, ушбу лойиҳа жорий йилнинг март ойида якунланади ва 7900 дан ортиқ аҳоли ҳамда 3 та мактаб, 3 та боғча, 1 та ёшлар маркази ва 3 та оилавий шифокорлик пункти узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Амалдаги ишларга тўхталадиган бўлсак, "Олот" ва "Дўстлик" сув тақсимлаш иншоотларида ҳар бири 2000 куб метр сиғимга эга бўлган тўртта сув сақлаш резервуари барпо этилди. Бундан ташқари, "Жумабозор" ва "Янгибозор" сув тарқатиш пунктлари ҳамда насос станциялари қуриб битказилди. Бу эса минглаб аҳолига узлуксиз ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятини яратди.

Қоракўл ва Олот туманининг асосий сув манбаи – "Двойник" (Икки даҳа) сув тозалаш иншооти 1975 йилда ишга туширилган бўлиб, унинг кунлик қуввати 12 минг куб метрни ташкил этган. Бироқ, йиллар давомида модернизация қилинмагани сабабли иншоот эскириб, аҳолига етказиб берилаётган сув сифати ёмонлашган эди. Ҳозирги кунда бу иншоотнинг қуввати 50 минг куб метргача оширилди. Қурилиш-монтаж ишлари якунлангани натижасида сув сифати сезиларли даражада яхшиланди.

– Қурилиш-монтаж ишларига жами 72,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди ва сифатли сув таъминоти йўлга қўйилди, – деди "Двойник" сув тозалаш иншооти раҳбари Қаҳрамон Қурбонов. – Маҳаллий аҳолининг сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 50 815 та абонент учун сув ҳисоблагич ўрнатилиши режалаштирилган. Шундан, ҳозирда 47 784 донаси ўрнатилган. Қоракўл ва Олот туманлари аҳолиси бир кеча-кундузда 20 минг куб метр сув истеъмол қиляпти. Ичимлик суви сифати ошгани сабабли, ҳудуддаги санитария ҳолати ҳам яхшиланди. Бундан ташқари, мазкур лойиҳа доирасида 32 нафар маҳаллий фуқаро иш билан таъминланди.

Ичимлик суви сифатининг ошиши аҳоли саломатлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатяпти. Тоза ичимлик сувининг мавжудлиги сабабли сўнгги йилларда ўткир ичак касалликлари уч баробарга камайди.

– Туман марказида яшасак ҳам узоқ йиллар давомида тоза ичимлик суви муаммоси мавжуд эди, – дея ўз миннатдорлигини билдирди Олот тумани Халқобод маҳалласида яшовчи фуқаро Гулсум Қодирова. – Давлат раҳбарининг ташаббуси билан бу муаммо ҳал этилди. Энди 24 соат давомида ичимлик сувимиз бор.

Бундан ташқари, Бухоро вилоятида 2016-2024 йиллар давомида республика бюджети ҳисобидан жами 128 та объектда 438 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада, ичимлик суви тармоқлари, канализация ва канализация тармоқлари ҳамда сув иншоотлари барпо этилди.

Мазкур ислоҳотлар натижасида вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 49,7 фоиздан 73,5 фоизга ошди. Келгусида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада кенгайтирилиб, вилоятнинг барча ҳудудлари замонавий ичимлик суви тизимига эга бўлиши кутиляпти.



# Лойиҳа-смета ҳужжатларини ортиқча харажатларсиз ишлаб чиқиш долзарб масала

Ғиёсбек ҚАМБАРОВ, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

**Қурилиш-бунёдкорлик жадал тараққий этаётган паллада объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини замон талабига мос ҳолда, ортиқча сарф-харажатларсиз ишлаб чиқиш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади.**

Бошқа ҳудудлар каби охирги йилларда Тошкент вилоятида ҳам замонавий уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, маданий-маърифий масканлар кўплаб барпо этилмоқда. Бошқармамиз ходимлари томонидан ҳар бир объект учун ишлаб чиқилаётган лойиҳа-смета ҳужжатларида энг аввало, халқимизнинг қулай ва хавфсиз шароитда яшаши ҳисобга олинади.

Хусусан, 2025 йилнинг 1 январь санаси бўйича "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги "Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш" электрон платформаси орқали келиб тушган 1639 та объектнинг лойиҳасига йиғма экспертиза хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига тежалган маблағ 939,1 млрд сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги "2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–404-сонли қарорига асосан, инвестиция дастури доирасида жами 150 та объект бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг қиймати 1170,0 млрд сўмни ташкил этган. Экспертиза кўригидан сўнг тавсия этилган қиймат 1031,5 млрд сўм этиб белгиланди ҳамда иқтисод қилинган маблағ 138,6 млрд сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, бошқа дастурлар доирасида ҳамда хусусий инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 1489 та объектнинг лойиҳасига йиғма экспертиза хулосалари тақдим этилган бўлиб, улардан 800,6 млрд сўм маблағни иқтисод қилишга эришдик.

Бошқарма мутахассислари ҳар бир объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатини алоҳида эътибор билан, тежамкорлик асосида яратишни мақсад қилган. Шу боис, ташкилотда ишлайдиган барча соҳа экспертларининг, хусусан, бош режа, архитектор, конструктор, муҳандислик тармоқлари, ёнғин хавфсизлиги ва смета йўналишларига масъул мутахассисларнинг белгиланган тартибда малакаси оширилиб, тегишли тартибда сертификатлаштирилмоқда.

Жорий йилда ҳам Тошкент вилоятида барпо этиладиган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини барча талабларга жавоб берадиган ҳамда сифатли яратиш ишларини давом эттиряпмиз. Фаолиятимиз орқали вилоятдаги бунёдкорлик жараёнига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

# ЧИН ДИЛДАН ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ БИР КУНИ ЎЗ СЎЗИНИ АЙТАДИ



**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Баҳор келиши билан табиат уйғонади, атроф яшил либосга бурканади. Гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган аёлларни эътироф этадиган – Халқаро хотин-қизлар куни ҳам баҳорнинг бошида нишонланиши бежиз эмас.**

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг меҳнати ва фидойилиги, жамиятдаги ўрни ва юксалиши, барча соҳалардаги муваффақиятларини эътироф этиш имкониятига эга бўламиз. Шундай аёллар борки, улар ўз меҳнати, фидойилиги ва инсоний фазилатлари билан жамиятимизда ўзига хос из қолдиради. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланган истеъдодли олима ва тадқиқотчи, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш университети Санъат кафедраси профессори Дилшода Султанова ана шундай инсонлардан бири.

У илмий изланишлари ва юксак натижалари билан нафақат ўз соҳасида, балки жамият ҳаётида ҳам алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. Дилшода Султанова Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилиб, ўзининг ҳаёт йўлини илм-фан ва таълим соҳасига бағишлади. 1994 йилда Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтини муваффақиятли тамомлади. Архитектура соҳасидаги билимларини янада чуқурлаштириш учун 2001-2003 йилларда аспирантурани тамомлаб, 2004 йилда архитектура фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва PhD илмий даражасини олди. 2020 йилда эса архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, DSc илмий даражасига эришди.

Дилшода Султанова 2005 йилдан буён Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида доимий педагогик фаолият олиб боради. У 2005 йилда доцентликка, 2021 йилда эса профессорлик даражасига кўтарилди. Унинг илмий ишларига асосан, архитектура ва дизайн соҳаларида олиб борган тадқиқотлари киради. У нафақат ўқувчи ва талабаларга илмий раҳбарлик қилади, балки турли илмий журналларда ҳам ўз мақолалари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Олима Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси, Меъморлар уюшмаси ва “Олималар” уюшмаси аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келади. Дилшода Султанова илмий, педагогик ва ижтимоий соҳаларда кўплаб ютуқларга эришган. У ўзининг илмий ва педагогик салоҳияти билан нафақат архитектура соҳасига, балки барча соҳалардаги ўқувчи ва ёш авлоднинг илмий салоҳиятига ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Унинг илмий фаолияти беқиёсдир. Диссертация мавзуси бўйича ёзилган 150 та илмий мақоласи, жумладан, 10 та монография, 2 та китоб-альбоми ва 5 та каталоги ушбу меҳнатнинг ёрқин натижасидир. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларидаги асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган нуфузли нашрларда ўнлаб мақолалари эълон қилинган. Улардан бир қанчаси хорижий ва республика миқёсидаги илмий нашрларда чоп этилган.

Бу фидойи илм-фан арбоби илмий ютуқлари билан чекланиб қолмай, амалиётга ҳам катта ҳисса қўшган. Амалиётга жорий этилган лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 3 та миллий патент ва 17 та муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси олганлиги унинг юксак илмий салоҳиятини яна бир бор намоён қилади.

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида бу гўзал ва фидойи аёлнинг тақдирланиши унинг кўп йиллик меҳнати ва ўз соҳасидаги улкан ҳиссасининг эътирофи бўлди. Бундай мукофотлар нафақат уларнинг ютуқларини тасдиқлабгина қолмай, балки келгусидаги юксак мақсадлар сари янада катта иштиёқ билан ҳаракат қилиш учун илҳомлантиради.

– Эътибор инсонни янги марралар сари илҳомлантиради, – деди қаҳрамонимиз. – Очиғи, давлат раҳбарининг Фармони билан ушбу мукофотга лойиқ кўрилганим чексиз фахр ҳиссини уйғотди. Бу ютуқ оиламнинг, ҳамкасбларимнинг, қолаверса, барча шижоатли хотин-қизларимизнинг ютуғи деб биламан. Давлатимиз раҳбарининг юксак эътиборига муносиб бўлиш учун келажакда бунданда катта марраларга эришишни ўз олдимга мақсад қилдим. Таассуротларим аъло даражада, ўзимни бахтли ҳис қиляпман.

Дилшода Султанова қатори юртимиздаги барча аёлларни ушбу байрам билан самимий табриклаб, меҳнатингиз, меҳрингиз ва саъй-ҳаракатларингиз доимо қадрланиб, доимо бахт, соғлиқ ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

# Эл ардоғидаги моҳир архитектор

**“O‘zshaharsozlik LITI” бош лойиҳа институти давлат муассасасининг Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-устахона олий тоифали лойиҳа бош архитектори Гулшаира Магаметовани нафақат юртимизда, соҳада эришиб келаётган ютуқлари боис бутун дунёда танишади, десак муболаға бўлмайди.**

Дарҳақиқат, бугун жамиятимизда эркаклардан қолишмасдан ишлаб, элнинг корига яраётган, юртни дунёга танитаётган аёллар кам эмас. Уларнинг борлиги нафақат оиласининг, балки фаолият юритаётган ташкилоти, мамлакати, ҳатто жамиятнинг ҳам ютуғи десак, арзийди. Гулшаира опа ҳам худди шундай жамиятнинг энг фаол ва иқтидорли ижодкори сифатида Ватан тараққиётига ҳисса қўшиб келмоқда.



Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги 10-мактабни тамомлаган Гулшаира Магаметова Тошкент политехника институтининг Архитектура факультетига ўқишга кирди. Тиришқоқ ва интилувчан қиз олийгоҳнинг фаол талабасига айланди ҳамда устозлар сабоқларини ўзига дастуриламал қилди. Унга соҳа сирларини ўзлаштиришда профессионал архитектор ва лойиҳачилар Л. Лезовская, Л. Караш, В. Архангельский, В. Коломенский каби ўз даврининг етук мутахассислари устозлик қилгани ҳам муваффақиятларининг бошланиши эди.

Институтни тамомлаб, 1975 йилдан буён “O‘zshaharsozlik LITI” бош лойиҳа институтида фаолият юритиб, деярли ярим аср давомида юзлаб йирик лойиҳаларни яратиш орқали мамлакатимиз бунёдкорлик тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

Гулшаира Магаметова Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмаси аъзоси. 2010-йилдан Шарқ мамлакатлари Халқаро архитектура академиясининг мухбир аъзоси. Энг яхши меъморий асар учун халқаро ва республика танловлари лауреати бўлган. Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси Гран-при совриндори. Унинг кўплаб кўрик-танловларга тақдим этилган барча лойиҳалари турли даражадаги дипломлар билан тақдирланган. У собиқ Иттифоқ Архитекторлар уюшмаси Бутуниттифоқ танлови лауреати, 1991 йилда “Йилнинг энг яхши лойиҳаси” бўйича Олтин медаль ва 1-даражали дипломи соҳиби. 2009 йилда Тошкент шаҳридаги НКМК бизнес маркази лойиҳаси учун “Оға Хон” мукофотининг Гран-При соҳибаси. Унинг номзодлик лойиҳаси Нью-Йоркдаги кутубхонада сақланади.

У яратган энг муҳим лойиҳалар орасида Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти 2-сонли терминалини реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳамда республикамизнинг бошқа бир қатор аэропортларини реконструкция қилиш каби юзлаб лойиҳаларни айтиш мумкин.

Бундан ташқари, Г. Магаметованинг меъморчилик ечимлари муаллифи сифатидаги раҳбарлигида Тошкент шаҳри, Навоий кўчасидаги “Бизнес маркази” биноси, Наманган шаҳри аэровокзалини қайта қуриш ҳамда ушбу аэропортнинг расмий делегатларни қабул қилиш биноси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ўқув юрти мажмуаси каби объектларнинг лойиҳа ишлари бажарилган. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлиги остида Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” ва “Наврўз” боғи лойиҳалари мукаммал тарзда амалга оиширлди.

Малакали архитекторнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан қадрланиб, “Дўстлик” ордени, “Шуҳрат” медали, “Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган. Ушбу мукофотларнинг давоми сифатида Гулшаира Магаметова 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан таъсис этилган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан ҳам тақдирланди.

Элу юрт ардоғидаги моҳир архитекторни янги ютуқлари ҳамда баҳорий айём билан қутлаб, келгусидаги фаолиятида ҳам улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Ўз мухбиримиз.**

# Нажот илмдадир



**Фидокор, меҳнаткаш, ватанпарвар, оилапарвар аёлларимизни эътироф этиш, жами гўзал таърифлар билан сифатлайдиган бир кун бор у – 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунидир. Юртимизнинг турли ҳудудларида ўз зиммаларидаги вазифани аъло даражада бажараётган, ўз касбига садоқат билан хизмат қилаётган аёлларимиз сони оз дейсизми?!**

Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Саноатни ахборотлаштириш факультети декани – Озода Абдуллаева ҳам ана шундай инсонлардан бири. Қаҳрамонимизнинг илм йўлидаги ҳаракатлари бесамар кетмади, у куни кеча давлатимиз раҳбарининг “8 март – халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига кўра “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Бу самимий ва холис амалга оширилган машаққат ҳамда меҳнатнинг самарасидир.

Озода Абдуллаева Наманган шаҳрида педагоглар оиласида дунёга келган. Оиладаги эркин муҳит, илмга бўлган қизиқиш унинг ушбу касбга бўлган муҳаббатини оширди. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 2004 йил Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси бўлди. Ўқишда ҳам тиришқоқлиги, бир мақсад изидан қатъият билан йўналиши унинг кучли томони ҳисобланарди. Қаҳрамонимиз ўз устида ишлаб, ёш бўлишига қарамай, ҳавас қиларли ютуқларга эришди.

Меҳнат фаолияти давомида Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Техник тизимларда ахборот технологиялари кафедраси ассистенти, кафедра катта ўқитувчиси, доцент, профессор сифатида ишлаб, илмий салоҳияти ва тажрибасини бойитди. 2024 йилдан буён эса Саноатни ахборотлаштириш факультети декани вазифасида ишлаб келмоқда. Бугунгача кўплаб ютуқларга эришишга улгурган олима олға қадам босишдан тўхтамайди. Озода Абдуллаева томонидан илмий-тадқиқот фаолияти давомида яратилган янги технологиялар, илмий-услубий ишлар, ўқув-қўлланмалар, монографиялар, услубий тавсиялар, дидактик материаллар, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ОТМлар ўқув жараёнига кенг тадбиқ қилинган.

Хусусан, Ёш олимлар уюшмаси томонидан ташкил этилган МДҲ мамлакатларининг “Энг яхши ёш олим 2020” кўкрак нишони, 2020 йилда Россия Федерацияси Табиий ва аниқ фанлар академиясининг “Альфред Нобель” номидаги медали билан тақдирланган. Жанубий Кореяда ўтказилган ихтирочи аёлларнинг “Ўзбекистонлик олима аёллар KIWIE – 2022” халқаро кўргазмасининг бронза медалига сазовор бўлган, 2022 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) миқёсида ташкил этилган “Илм-фан фидокори” танловида “Илм-фан фидокори” эсдалик нишони, 2022 йилда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонлари билан тақдирланиб, 2023 йилда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган “Йил аёли” танловининг ғолиби бўлди. 2024 йилда эса Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишонига сазовор бўлди.

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Президент Фармони билан “Шуҳрат” медалига лойиқ кўрилиши ушбу муваффақиятларнинг мантиқий давоми бўлди, десак адашмаган бўламиз. Зеро, чин дилдан қилинган меҳнат учун Яратганнинг рағбати бўлиши шубҳасиз. Рус тилида мукаммал, инглиз тилида аъло даражада суҳбатлаша оладиган қаҳрамонимиз халқаро даражадаги ҳамкорлик ва мулоқотларда ҳам юқори салоҳияти билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, Озода Абдуллаева каби кенг тафаккури, интеллектуал қобилияти юқори олима аёллар юртимиз тараққиёти учун сув ва ҳаводек зарур. Зеро, қизларимиз қанчалик илмли, салоҳияти юқори бўлса, тарбиялаётган авлодларимиз шунчалик маърифатли бўлади.

Қаҳрамонимизга давлатимизининг юксак мукофоти билан қутлаб, улкан марраларни забт этишда куч-ғайрат, соғлик-саломатлик, муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.



# Ҳар бир кунимиз янги муваффақиятга айлансин!



**Баҳор фасли инсон қалбида янгиланиш ва илҳом уйғотувчи фаслдир. Айниқса, 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан бу кунлар ўзгача мазмун касб этади. Байрам баҳонасида ўз касбида юксак муваффақиятларга эришаётган шижоатли аёлларимиз фаолиятига бир қур назар ташлашни мақсад қилдик.**

Ҳикоя қиладиган қаҳрамонимиз Чарос Садинова Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати бош мутахассиси бўлиб фаолият юритади. У ўзининг юксак меҳнати ва фидойилиги билан соҳада ёрқин из қолдираётган иқтидорли журналистлардан биридир. Касби журналист бўлгани боис, доимий изланишлар ва турли хил характерга эга инсонлар билан мулоқот қилиш фаолиятининг энг қизиқарли томонларидан биридир. Чарос ўзини касбида эришган энг катта ютуғи сифатида севимли иши ва энг яхши жамоага эга эканлигини таъкидлайди.

У “Янги нигоҳ” видеороликлар танлови ғолиби бўлиши ҳамда “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” шиори остида ўтказилган роликлар танловида олий ўрин – гран-прини қўлга киритгани билан фахрланади. Чарос учун энг катта мактаб “Бунёдкор” ёшлар телеклуби, “Ёшлар медиа маркази” ва “Менинг юртим” телеканали бўлган. Айнан шу жойларда ўзи учун қадрли устозлари ёрдамида журналистика сирларини янада чуқурроқ ўрганган ва бошқа қобилиятларини ҳам кашф этган. Масалан, у теленовеллалар учун сценарийлар ёзиб, “Соя” ва “Осиё” каби сериалларга муҳаррирлик қилган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот хизматида ишлаш ҳам Чаросни янада ривожланишга ундамоқда. Ҳозирда унинг вазифалари жуда масъулиятли бўлиб, келгусида ўз соҳасининг моҳир устаси бўлиш ниятида изланишда давом этади. Моҳир қурувчилар фаолиятини ёритиш орқали юртимиз бунёдкорлиги соҳасига ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган.

Баҳор ва 8-март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Чарос Садинова ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида фаолият юритаётган барча опа-сингилларимизни муборакбод этамиз. Ҳаётингиз доимо баҳорий илҳом, бахт ва муваффақиятларга тўла бўлсин!

**Ўз мухбиримиз.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-19 (870-872) 2025 йил 7 март

# Аёл бор экан, олам мунаввар

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Аёл ва унинг жамиятдаги ўрни ҳамиша муҳим мезон бўлиб келган. Бугунги кунда эса унинг ҳаётдаги фаоллиги янада ошиб бормоқда. Маълумки, ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти бир қатор омиллар асосида юз беради. Бу жараёнда аёллар, уларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги иштироки, ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминлангани – давлатлар ривожи ҳамда демократиянинг муҳим индекси саналади. Зотан, аёл ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамиша муҳим масала саналади.**



Бугун аёллар иштирок этмаган, фаоллик кўрсатмаётган соҳанинг ўзи йўқ. Жумладан, уларнинг қурилиш-бунёдкорлик борасида ҳам алоҳида ўрни бор. Шундай аёллар Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Улардан бири – архитектор Гулмира Ҳамидовадир.

Гулмира Ҳамидова 1984 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 2001 йилда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтига ўқишга кирган ва мазкур олий ўқув юртини 2005 йилда архитектор мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ўқиш жараёнида амалиётларини вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасида ўтаган. 2002-2018 йилларда Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи Архитектура-режалаштириш топшириғи бўлими архитектори вазифасида ишлаган. 2018-2023 йилларда вилоят Қурилиш бош бошқармаси "Архитектура режалаштириш топшириғи бюроси" унитар корхонасида раҳбар ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган. 2024 йилдан буён бошқарманинг Давлат хизматлари кўрсатиш бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлаб келяпти.

Йигирма йиллик иш тажрибасига эга Гулмира Ҳамидова "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор" Шуҳрат Давронов, Ўзбекистон фахрий меъморлар кенгаши аъзоси Норқул Содиқов, бошқарма бўлим бошлиғи Умар Исаевни ўзига устоз деб билади. Ҳар доим уларнинг номини яхши таассуротлар билан тилга олади. Бундай устозлардан олган билим ва кўникмаларини меҳнат фаолияти давомида эришган муваффақиятларининг асоси деб билади.

– Ўзимни ҳаётдаги энг бахтиёр аёллардан, шогирдлар камоли туфайли қалби қувноқ устозлардан бири деб биламан, – деди Гулмира Ҳамидова. – Фарзандларим билан ҳар куни оила даврасида бирга бўлсам, шогирдларимнинг қайноқ меҳнат жараёнидаги ютуқларини кўрсам, кайфиятим кўтарилади. Ана шундай шогирдларимдан бири Ҳусан Ҳайдаровнинг устозларга бўлган эътибори дилимни яшнатиб юборади.

Гулмира Ҳамидова 3 фарзанднинг онаси. Тўнғичи нуфузли олийгоҳлардан бирининг талабаси, бир неча тилда равон гаплаша олади. Икки нафар қизи мактаб ўқувчилари. Улар ўз тенгдошлари орасида билим ва тарбиясининг ҳавас қиларли даражадалиги билан ажралиб туради.

Гулмира Ҳамидова 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўзи билан бир жамоада меҳнат қилаётган ҳамкасабалари ҳақида фикр юритиб, уларни муборакбод этди:

– Бошқармадаги аёллар тимсолида соҳадаги барча ҳамкасаба опа-сингилларимизни чин юракдан табриклаб, уларга муваффақият тилайман. Жамоамиздаги ҳар бир аёл ўзига хос. Бош ҳисобчимиз Зулфия Ҳасанова ҳақида ҳамиша илиқ фикрлар билдираман. У ҳисоб-китоб илмини пухта эгаллаган истеъдодли мутахассис, жамоамизнинг фахри бўлган аёллардан. Зулфия опа ҳамма билан самимий муносабатда бўладиган очиқкўнгил ва ширин муомалали инсондир. Муслима Саъдинова, Барчиной Сирожиддинова каби аёлларимизнинг ҳам меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Улар соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган касб фидойиларидан. Марҳабо Жалилова, Меҳрибон Нуриллаева, Фарида Мирзаева, Парвина Олимовалар ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрлар билдириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, аёл бор экан олам ҳамиша мунаввар, ҳаёт гўзал. Аёл бор экан, оиламиз тинч, юртимиз обод. Бахтимизга доим соғ бўлинг, азиз опа-сингиллар!

# Архитектура – тасаввурда жонланган мўъжиза



Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Инсондаги энг қадрланадиган жиҳатлардан бири ижодкорлик. Сиз қайси йўналишда ижод қилишингиздан қатъи назар, тасаввур ва тафаккур имкониятларингизни ишга соласиз. Ижодкорлик қобилиятига эга инсонларнинг аксарияти ўзларидан эсда қоларли ишларни қолдиришга қаттиқ бел боғлашади. Санъатнинг ана шундай турларидан бири – архитектура.**

Мақоламиз қаҳрамони Дамира Исанбиева ҳам ушбу соҳага чуқур қизиқиши ортидан архитектор бўлишга аҳд қилган. У мактаб йиллариданоқ архитектурага жиддий қизиққани боис катта иштиёқ билан давом этган интилишлари ўз сўзини айтмасдан қолмади. Тошкент архитектура-қурилиш университетини муваффақиятли тамомлагач, дастлабки фаолиятини "Қишлоққурилишлойиҳа" ДМда архитектор сифатида иш бошлади. Лойиҳа институтида ишлаш Дамира учун ўзига хос завқ, кенг билим ва тажрибаларни қўлга киритиш учун ажойиб имкониятга айланди. Ушбу даргоҳдаги 6 йиллик фаолияти давомида ўз тажриба ва малакасини ошириб бориб, устозларидан олган билимларини амалий жараёнларга кўчирган ҳолда мунтазам ривожланишга эришди.

У ўзининг кучли аналитик тафаккури, ижодий фикрлаш қобилияти ва ҳар бир лойиҳа учун эксклюзив ёндашувлари билан бошқалардан ажралиб туради. Дамиранинг лойиҳалари қишлоқ ҳудудларини ободонлаштириш, замонавий уй-жой мажмуаларини яратиш ва ижтимоий объектларни ривожлантиришга йўналтирилган. У доимо замонавий технологиялар ва экологик ечимлар билан ишлашга интилади. Ўзининг архитектурага оид нуқтаи назарини ифодалаб, жумладан, шундай дейди:

– Архитектура соҳасига киришимнинг асосий сабаби – бу соҳага бўлган қизиқишим ва замонавий технологияларни архитектура жараёнига татбиқ этишга бўлган иштиёқимдир. Архитектура нафақат биноларни яратиш, балки инсонлар учун қулай ва самарали муҳитни шакллантириш, шаҳарлардаги ижтимоий ва маданий ҳаётни яхшилашни ўз ичига олади. Мен ҳар доим архитектура соҳасидаги янги инновация ва илғор технологияларни ўрганишга интиламан. Инсон ўз соҳасида чинакам иштиёқ билан ишлай олса, юксак натижаларга эриша олади. Ҳар бир амалга оширган аҳамиятли лойиҳадан сўнг ичимда бундан ҳам улкан марраларни забт этиш иштиёқи уйғонади. Ўйлайманки, айнан шу нарса бизни олдинга бошлаб, кичик натижалар билан қаноатланиб қолишимизга йўл бермайди. Архитектура бу – завқ. Фақат уни ҳис қила олиш керак.

Суҳбатдошимиз ўз касби орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига бевосита ҳисса қўшаётганидан миннатдор эканини ҳам қўшимча қилди. Бугунги кунда у кўплаб йирик лойиҳаларда ишлашга улгурди. Яшнобод туманидаги Паркент ва Қорасув кўчалари кесишмасида жойлашган замонавий кўптармоқли тиббиёт маркази, Нукус шаҳридаги 5 қаватли кўп хонадонли турар жой биносини энергия самарадорлигини ошириш мақсадида модернизация қилиш, Сергели туманининг Қурувчилар мавзесидаги 305-сонли умумий ўрта таълим мактабига янги 1200 ўринли ўқув блоки қурилиши, Гулистон шаҳридаги Тиббиёт кластерини реконструкция қилиш, Бектемир туманининг "Ийк ота" массиви ҳудудида қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари каби йирик ва мураккаб лойиҳаларда фаол иштирок этиш орқали ўз билимларини яна бир карра амалиётда синаб кўрди. Қолаверса, ҳамкорликда кореялик ва германиялик мутахассислар билан ҳам қатор лойиҳаларда иштирок этди.

У ўзи эришаётган муваффақиятлар, касбий маҳорати ошиб бораётганининг замирида устозларининг улкан ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиб ўтади. Архитектура соҳасида ривожланишига катта ҳисса қўшган ва унга илҳом манбаи бўлиб келаётган устозлари Зулфия Мирзалиева, Барно Абдуллаева ва Мухтабар Йўлдошевага ўз миннатдорчилигини изҳор қилди.

Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, унга ўз касбининг асл устаси бўлиб, юртимиз инфратузилмаси ривожига қўшаётган ҳиссаси учун ташаккур билдирамиз. Байрам муносабати билан Дамира Исанбаева ҳамда унинг азиз устозларига мустаҳкам соғлик, куч-қувват ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.



# Янги лойиҳалар яратувчиси

**Сурхондарё вилоятининг Музработ тумани қиёфаси йил сайин чирой очаётгани аҳолини илҳомлантириш баробарида, тадбиркорлик қилиб, ҳудудни янада гуллаб-яшнатишга ҳисса қўшишга ундамоқда.**



Бу жараёнда тадбиркорлар, айниқса, турар жойга муҳтожлар талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Қурилиш соҳасида хизмат қилаётган малакали ходимларнинг керакли тавсия ва ҳаракатлари эса бу жараённи янада жадаллаштирмоқда. Музработ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимининг Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси Рисолат Муродова ҳам ана шу жараённинг фаол иштирокчиларидан биридир.

Унинг бевосита иштирокида давлат дастурлари ижросини таъминлаш юзасидан маҳаллалар кесимида кўплаб қурилиш-таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, марказдан олисда жойлашган тўртта қишлоқда боғча, мактаб ва аҳолига хизмат кўрсатувчи ўндан ортиқ иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Булардан ташқари, туман маркази ва унинг иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш масаласи доимо бош мутахассиснинг эътиборида бўлгани натижасида барча кўчалар лойиҳаси қайта кўриб чиқилди ҳамда замонавий лойиҳаларга асосланган ҳолда янгитдан қурилди. Шунингдек, ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилмалар ихтиёрий равишда буздирилгач, уларнинг ўрнида меҳмонхона, савдо тармоқлари, ёпиқ ва очиқ турдаги спорт майдонлари ҳамда аҳоли учун муҳим бўлган бошқа мажмуалар қад ростлади.

Кўп қаватли турар жойлар ҳам фуқароларнинг талабига биноан бири-иккинчисини такрорламайдиган лойиҳалар бўйича қурилмоқда. Якунланган йилда бешта кўп қаватли уйдан тўрттаси фойдаланишга топширилган бўлса, қолганларида ҳам бунёдкорлик ишлари якунланиш арафасида. Шунингдек, ҳудудда белгиланган лойиҳага кўра, 6 сотихли коттежлар қуриб битказилди. 14 та маҳалла фуқаролар йиғинининг бош режаси қайтадан ишлаб чиқилиб, бу ерларда ҳам бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Муҳими, беш мингдан зиёд ноқонуний қурилишлар бартараф этилгани ҳисобига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг бош режаси жойлаштирилиб, бўшаган ерлар ҳисобига яна 4 та 5 қаватли уй-жой қуриша имкон яратилди. Объектларда бунёдкорлик ишларини бажараётган қурувчи ва пудрат ташкилотларининг масъуллари бош мутахассис Рисолат Муродованинг маслаҳатларига амал қилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бораётгани туфайли иншоотлар белгиланган муддатда ҳамда нуқсонларсиз ўз эгаларига топширилмоқда.

Халқ фаровонлиги, юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган Рисолат Муродова каби фидойи аёлларни 8 март – Халқро хотин-қизлар куни билан қутлаб, келгуси фаолиятларига улкан зафарлар тилаймиз.

**Ўз мухбиримиз.**

# "Касбимни яхши кўраман"

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Беқиёс оламни яратишда Аллоҳ аёлларга нафақат гўзаллик, балки нафосату назокатни, ақл ва заковатни ҳам қўшиб улашган десак, асло муболаға бўлмайди. Чунки бугунги кунда жамиятимизда эркаклар билан бир сафда, улардан қолишмасдан юрт равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиб келаётган опа-сингилларимиз кам эмас.**



Етти йилдан буён Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг Давлат хизматлари кўрсатиш бўлими бошлиғи вазифасида фаолият юритиб келаётган Зумрад Хўжамуратова ҳам ана шундай фазилатлар соҳибасидир. 2015 йил Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаган Зумрад Хўжамуратова 2018 йилдан Сирдарё вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси қошидаги "Архитектура режалаштириш бюроси" ДУК АРТТда меҳнат фаолиятини бошлаган. Қаҳрамонимиздан нима учун бу касбни танлаганини сўраганимизда шундай жавоб берди:

– Архитектура соҳасига ёшлигимдан меҳрим баланд бўлган. Ватанимиз кўркига-кўрк қўшадиган янги бинолар ва замонавий иншоотлар қуриш ҳамда кўчалару йўлларни обод қилишга ўз ҳиссамни қўшишни орзу қилганман. Бугун шу орзуларимга эришдим, десам муболаға бўлмайди. Болалигимдан чизмачилик ва тасвирий санъат фанларини яхши кўрганим сабабли баланд миноралар, кўп қаватли уйлар ҳамда турли кўринишдаги биноларни тасвирлашга ҳаракат қилардим. Ота-онам бу қизиқишларимни ўз вақтида пайқаб, менга тўғри йўл кўрсатишди, қўллаб-қувватлашди. Бугунги даражага етишимда устозларим қатори уларнинг ҳам ҳиссаси катта эканини таъкидламоқчиман.

Зумрад Хўжамуратова иш фаолияти давомида ўзи айтганидек, Сирдарё вилоятининг замонавий қиёфасини яратишдек кўплаб масъулиятли ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Хусусан, маиший хизмат кўрсатиш мактабгача таълим ташкилотларининг янги бинолари, спорт майдончалари, ва бошқа турдаги иншоотларнинг лойиҳаларини яратиб, болаликдаги орзуларини оз бўлсада, амалга ошириб улгурди ва улар бугунги кунда вилоят туманлари қиёфасига ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

– Мен яратган лойиҳалар асосида барпо этилган бинолар халқимизга хизмат қилаётганини кўриб, қалбим қувончга тўлади, – деди суҳбатдошимиз. – Шундай вазиятларда архитекторлик касбини танлаганимдан фахрланаман. Касбимни жуда ҳам яхши кўраман.

Келажакда вилоят архитектура соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган ҳолда, янгидан янги лойиҳалар яратишни мақсад қилган Зумрад Хўжамуратовани биз ҳам якинлашиб келаётган Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлаймиз.

# Халқ хизматидаги аёлнинг бахти



**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Аёл – меҳрибон она, вафоли ёр, яратганнинг буюк мўъжизаси. Бугун ён-атрофимизда ўзининг заҳматли меҳнати ва қалб саховати билан барчага намуна бўлиб келаётган хотин-қизларимиз бисёр. Улар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносибдир. Юртимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда асосий вазифа – фарзанд тарбиясидек мураккаб ва шарафли вазифани адо этиш билан бирга, жамиятнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган кўплаб касб эгалари қаторида қурилиш ва коммунал соҳаси вакиллари ҳам бор.**

Қарши шаҳрида 7 йилдан буён бошқарув сервис соҳасида самарали фаолият юритиб келаётган, 4 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, турмуш ўртоғининг севимли рафиқаси Чарос Ҳалилова ҳам меҳнатдан бахт топган аёллардан.

– Етти йилдан бери "Умид туҳфаси" бошқарув сервис ташкилоти раҳбари сифатида фаолият олиб бораман, – деди Чарос Ҳалилова. – Турмуш ўртоғим ишимда доим камарбаста, улар билан биргаликда, ҳамфикр ишлаймиз. Аёл учун муҳими шу. Маълумки, аҳоли турмуш даражасини оширишда коммунал хизматлар сифати жуда муҳим. Бу жараёнда соҳа фаолиятини тўғри ташкил этиш ва самарадорликни оширишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Президентимизнинг 2022 йил 4 августдаги "Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида кўп қаватли уйларни бошқариш соҳасини такомиллаштириш, хусусан, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотларини қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Бизнинг бошқарув сервис ташкилотимиз шаҳардаги "Беглар", "Камолон", "Махоллат" каби маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 15 та кўп қаватли уйга ва 483 та хонадонга хизмат кўрсатади. Корхонамизда 9 та иш ўрни яратилган бўлиб, 10 турдаги моддий-техника базасига эга. Шунингдек, аҳолига 7 турдан ортиқ қўшимча хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Компаниямизда 24/7 тартибда ишлайдиган авария-диспетчерлик хизмати ҳам мавжуд.

Бугун юртимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу ташаббуслардан кўзланган асосий мақсад – ободлик, саришталик, инсон саломатлигини муҳофаза қилишдир. Бу борада "Умид туҳфаси" бошқарув сервис ташкилоти томонидан "Яшил макон" лойиҳаси доирасида ҳудудда минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар, турфа хил гуллар ўтқазилди.

– Ўзим ободликни яхши кўраман, – деди қаҳрамонимиз. – Ҳудудимизда шу мақсадда турли изланишларни олиб боряпмиз. Келгусида корхонамизда хизмат кўрсатиш тармоқларини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Режаларимиз кўп: болалар майдончаси ташкил этиш, ҳар бир турар жойга ичимлик суви насослари ўрнатишни мақсад қилганмиз. Бугунги кундаги асосий мақсадимиз – уй-жойларни сифатли сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, аҳолига малакали коммунал хизмат кўрсатиш орқали фаровонлигини оширишдан иборат.

Дарҳақиқат, Чарос Ҳалилова мисолида муҳтарама аёлларимиз ҳамиша кўз ўнгимизда садоқатли ёр, меҳрибон она, фидойи етакчи тимсолида гавдаланади. Қаҳрамонимиз каби аввало оила, шу қаторда жамиятга ҳам файз киритадиган, ҳар даврани эзгулик нури билан мунаввар этадиган бундай фидойи хотин-қизларимизнинг эзгу ишлари доимо юксак эътирофга лойиқ бўлиб қолаверади.

# Мўйноқни обод қилаётган архитектор

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Тақдирим, келажагим шу юртнинг ободлиги ва фаровонлигига боғлиқ" – деган шиорни қалбига жойлаб, тинимсиз ҳаракат қилаётган соҳа ижодкорларидан бири – Сарвиноз Султамуратовадир. У Тошкент шаҳрида туғилиб ўсган бўлсада, Қорақалпоғистон Республикасида иш фаолиятини олиб бормоқда. Бунинг сабаби бор, албатта.**

Қаҳрамонимиз Тошкент архитектура-қурилиш институтида ўқиб юрган кезлари амалиёт ўташ учун Нукус шаҳрига юборилади. Амалиёт натижасида "Оролбўйи минтақасининг ландшафти янгиланишга муҳтож" мавзусида диплом ишини ёзиб, ҳудуддаги қурилиш соҳасидаги муаммоларни қандай ҳал этиш юзасидан фикрларини билдирди. Институт олимлари унинг илмий ишини юқори баҳолашди ва ёш мутахассисни ўзи киритган таклифларни амалиётга қўллаш учун йўлланма билан Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигига юборилди.



Дастлабки иш куни қандай бошланганини Сарвиноз ҳалигача унутгани йўқ. Ёш мутахассисни Мўйноқ тумани архитектура ва қурилиш бўлимига мутахассис вазифасига тайинлаб, ўша куниёқ ҳудудга жўнатишди. Эшитган бошқаю, кўз билан кўрган бошқа экан. Орол денгизининг қуриши биринчи навбатда бу ердаги кўп қаватли уйлар, маҳаллалар, кўчалар, дов-дарахтларга салбий таъсир ўтказган эди. Ҳаммаёқ оппоқ, гўёки туз конига ўхшайди. Ишхона биноси эса ташландиқ аҳволда.

Биринчи навбатда, кўп қаватли турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини тўлиқ таъмирлаш, шунингдек, маҳаллаларни ободонлаштириш, ҳар бир уй олдида болалар майдончасини қуриш, кўчаларни асфальтлаш каби ишларни амалга ошириш юзасидан ўз лойиҳаларини туман ҳокимлиги, сўнгра, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигига киритди.

Архитектор қиз иштирокидаги ишлар шу билан тугаб қолмади. "Мойноқ", "Жайҳун", "Бўзатау", "Мадели", "Қазақдаря" каби овул фуқаролар йиғинларида жойлашган умумтаълим мактаблари таъмирланиб, спорт заллари, қўшимча бинолар қурилди. Майпоз, Байтерек, Баркамол авлод, Гулзор, Эркин турмуш, Орнек, Женис, Терекли кўчаларига газ тармоғини тортиш, Давкемпир, Атажурт, Қумар ана ва Улли бағ кўчаларига қум-шағал ётқизиш, тунги чироқлар ўрнатиб, аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуриш ушбу ҳаракатларнинг давоми бўлди.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган лойиҳалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани туфайли Сарвинознинг зиммасидаги масъулият ҳам ошиб бормоқда. Яъни, икки йилдирки у Мўйноқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда ҳам унинг бошчилигида кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши мўлжалланган.

Шу кунларда режага киритилган лойиҳалар бўйича объектларда бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. Сарвиноз Султамуратова эса туман ҳудудлари кундан-кунга обод бўлаётгани ва бу ишларга ўзининг ҳам ҳиссаси қўшилаётганидан фахрланади.

# Ғайратингизга кўз тегмасин, Гулида опа!

**Гулида Хаджибаева билан Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш институти ("ЎзГАШКЛИТИ")-нинг 60 йиллик юбилейига атаб чиқарилган махсус сон тайёрлаш жараёнида танишган эдик. Ундан анча ёш бўлсамда ғайратига, баъзи йигит-қизларда йўқ шижоатига тан берганман. Қанча ишни бажарса ҳам камтар ва фидоийлик билан кўзга ташланмай туришига эса қойил қолгандим.**

1976-1979 йиллар Тошкент қурилиш техникумида таҳсил олган Гулида Хаджибаева илк иш фаолиятини институтнинг Бухоро филиалида техник-геодезист вазифасидан бошлаган. 1980 йилда Тошкент шаҳар филиалида ишлайди. Қисқаси, 1979 йилдан буён ҳозирга қадар "ЎзГАШКЛИТИ"да ишлаб, ўз касбининг устаси бўлишдан ташқари, ташаббускорлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан ҳамкасбларининг ҳам ҳурматини қозониб улгурган. 1990 йилда Тошкент ирригация муҳандислари ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини сиртдан битирган.



Унинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Давлат шаҳарсозлик кадастрининг ГИС ва электрон геофонди, Урганч шаҳридаги ер ости сувларининг ГИС мониторинги, Ўзбекистон Республикасининг электрон геофонди каби географик ахборот тизимлари яратилган. Шунингдек, Гулида опанинг Саид Усмонов, Рабига Аҳмедшина, Евгений Соколов каби кўплаб шогирдлари бугунги кунда институтнинг турли мақсадлардаги географик ахборот тизимларини (ГИС) яратиш ва юритиш бўйича етакчи мутахассислар сифатида юртимиз бунёдкорлик соҳасига ҳисса қўшиб келмоқда.

Институтнинг Геоинформатика ва шаҳарсозлик кадастрини қуриш бўйича тадқиқотлар бўлимида (ГИС) бош таҳлилчи сифатида ишлаб келаётган Гулида опа жамоадаги каттаю кичикнинг кўнглини топиб улгурган. Уларга нафақат иш бўйича, балки ҳаётий маслаҳат ва тавсияларини ҳам беришдан чарчамайдиган опани институтнинг энг фаол ва фидойи ходими, десак янглишмаймиз.

Ҳозирда Гулида опа Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш институти ("ЎзГАШКЛИТИ") қошида ташкил этилган ўқув марказида директор сифатида ҳам ишлаб, Шаҳарсозлик норма-қоидаларини ёзиш, янгилаш ва ходимларга янги технологияларни ўргатиб келмоқда.

Тиниб-тинчимас Гулида опа ҳамда унинг жамоадош ҳамкасб аёлларни баҳорнинг илк байрами – 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклаймиз.



# Ёшлик – Яратгандан энг зўр топилма

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Биз баҳорни ўзгача ҳаяжон билан қарши оламиз. Чунки унинг шарофати билан совиган тупроқларда яшиллик куртак ёзади. Табиатга янги нафас киради. Шу сабаб инсон ёшлигини ҳам баҳорга қиёс қилишади. Қолаверса, гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган хотин-қизларимизнинг байрами ҳам баҳорнинг илк кунларига тўғри келади. Биз ҳам шу муносабат билан айни ҳайрат ва шижоатга тўлиб турган, 16 ёшида талаба бўлган ёш архитектор Севара Имомова ҳақида сўз юритамиз.**

Севара Имомова Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида таваллуд топган. Биласиз, Қоракўл тумани юқори сифатли таълим муҳити ва иқтидорли ёшлари билан ажралиб туради. Оилада 5 фарзанднинг ўртанчаси бўлган Севара болалик даврини, ўша вақтлардаги қизиқишларини хотирлаб, шундай деди:



– Ота-онам ҳеч қачон нимагадир мажбурлаганини эслолмайман. Улар учун ўзимиз қизиққан соҳада ўқишимиз, ишлашимиз, қарорларимизни мустақил қабул қила олишимиз муҳим бўлган. Аввалига дизайнер бўлиш ҳақида ўйлаганман. Аммо архитектура жиддий ва масъулиятли соҳа бўлиб кўринган. 2020 йилда мактабни тамомлаб, 16 ёшимда Тошкент архитектура-қурилиш университетининг Архитектура йўналишига ўқишга кирдим. 2-курсдаёқ менда ишлаш истаги пайдо бўлган. "Қишлоққурилишлойиҳа" институтига амалиётга бориб, соҳанинг сир-асрорларини ўргана бошладим. Ўтган йили ўқишни тамомлаб, институтдаги ишимни давом эттирдим ва бутун диққатимни ишга қаратдим.

Ёш бўлишига қарамай, йирик лойиҳаларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган Севара устозлари ҳақида ҳам илиқ фикрларини билдирди. Унинг мулоҳазаларини эшитиб, қуйидаги ривоят ёдимизга тушди.

Қадимда ниҳоятда гўзал ва муаттар ҳид таратувчи кўл бўлган экан. Барча унинг бўйидан маст бўлар, у ерда дам олишни хуш кўраркан. Бир куни кўлдан нега бунчалар ширин бўй таратасан, сувингни мусаффо эканининг сири нимада, деб сўрашибди. Кўл вазминлик билан шундай жавоб берибди:

– Сизлар ҳар куни шаънимга мақтовлар ёғдирасизлар. Аммо менинг муаттар ҳид таратишимга атрофимдаги бир-биридан гўзал гуллар сабаб. Уларнинг ширин ифори менга уриб турганидан мен ҳам улар каби хушбўй бўлиб кетдим, – деган экан.

Дарҳақиқат, устозларидаги гўзал жиҳатлар, кенг тажриба, қаттиққўллик ва масъулият, сабрлилик каби хусусиятлар унда ҳам бўй кўрсатиши шубҳасиз. Зулфия Мирзалиева, Барно Абдуллаева ва Мухтабар Йўлдошева, Дамира Исанбиевалар устозлик қилиш билан бир қаторда, фарзанди каби ёндашиб Севаранинг улғайишида, кун сайин маҳорати ошиб боришида муҳим ўрин тутмоқда. Бу унинг катта ютуқларидан бири. Тажрибали ва фидойи устозлари орасида ривожланишда давом этаётган Севаранинг келажакдаги мақсадлари катта. Ҳозиргача Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги шифохона лойиҳаси, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги кўп қаватли турар жойлар, Бухоро вилоятидаги оилавий поликлиника, республикамизнинг турли ҳудудларидаги мактаб ва боғчалар, Навоий вилоятида университет ва ётоқхона бинолари лойиҳаларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

У ўз касбини яхши кўради. Машҳур воизлардан бири айтганидек, "Севги – кичик ишларни катта муҳаббат билан қилишдир". Севара Имомованинг орзулари катта. Улардан бири кейинчалик ўқишини хорижда давом эттириб, ўз касбининг ҳақиқий пешқадамига айланиш. Биз унинг беғубор орзулари амалга ошишига тилакдошмиз. Хулоса қилиб айтганда, "Қишлоққурилишлойиҳа" ДМда йўлга қўйилган устоз-шогирдлик анъанаси Севара каби ёш иқтидорларнинг етишиб чиқишига муносиб шароит яратиб бермоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Севара Имомова каби ёшларга йўллари очиқ бўлишини, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб, ота-онаси ва устозларининг ҳақиқий фахрига айланишини тилаймиз.

# Ўз ишининг устаси

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Фусункор баҳорнинг бу галги ташрифи ҳам ҳар галгидек аёллар байрами, уларни мадҳ этиш, қутлаш билан бошланди. Баҳорнинг илк кунлариданоқ юртдошларимиз кайфиятидаги кўтаринкилик, юзларида табассум бу фикрнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигидан далолатдир.**

Бугун Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳудудлар ободлиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда қўли гул қурувчилару маҳоратли меъморларнинг меҳнатини алоҳида таъкидласак, арзийди. Улар қаторида лойиҳа-смета ҳужжатларини пухта ва мукаммал тарзда яратиб келаётган соҳа ходимларининг ҳам борлиги вилоятдаги бунёдкорлик ишларининг сифатию сийратида акс этмоқда.



"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси кичик мутахассиси Раъно Туляганова етти йилдирки шу соҳада фаолият юритиб, ўзига билдирилган ишончни оқлаб келмоқда. Раъно Туляганова 2006 йилда Гулистон Давлат университетини тамомлаган. Қурилиш соҳасидаги меҳнат фаолиятини 2016 йилда Гулистон шаҳридаги "Мирзачўл агроқурилишлойиҳа" МЧЖда бошлаган. Устозларнинг тавсияларию маслаҳатларига амал қилиб кам бўлмаган Раъно бугун соҳада етарлича тажрибага эга малакали ходимлардан бири сифатида ҳамкасблари ҳурматини қозониб келмоқда. Ҳозирда "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси уни ўз ишининг устаси, масъулиятли ва тартибли ходим сифатида қадрлашади.

Қаҳрамонимиз асосан, иш юритувида бўлган ҳужжатлар билан шуғулланади. Шу билан бирга, шартномаларни расмийлаштириш, экспертизадан ўтказилган экспертиза хулосаларини тайёрлаш ҳамда бошқа турдаги тизимга алоқадор ҳужжатлар билан ишлашнинг устасига айланган. Билганларини ёшларга ўргатиб, устозлик мақомига ҳам эришгани эса унинг ҳаётдаги муваффақиятларидан биридир.

– Соҳага алоқадор хат-ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида билганларимни ёшларга ўргатиб, билмаганларимни эса устозлардан ўрганиб коляпман, – деди Раъно Туляганова. – Энг муҳими, касбимни, ишимни яхши кўраман. Одамлар билан муомала қилиш, уларга қўлимдан келганича ёрдам бериш менга қувонч бағишлайди. Янги Ўзбекистонимиз тараққиётига камтарона меҳнатим билан ўз ҳиссамни қўшаётган бўлсам, мен учун энг катта бахт шу.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-19 (870-872) 2025 йил 7 март

# Касбини севувчи Шоҳсанам

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,** журналист.

**8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Фарғона шаҳридаги “Фарғона-Турсунали” бошқарув сервис компаниясини бир йилдан буён бошқариб келаётган Шоҳсанам Отаназарованинг иш фаолиятига назар ташламоқчимиз. Наманган Давлат университетининг сиртқи бўлими талабаси Шоҳсанам ҳақида ҳали компания идорасига етиб бормасимиздан илиқ фикрларни эшитдик.**




Чиндан ҳам, ҳали ёш бўлишига қарамай, Шоҳсанам ҳаракатчан, касбига, вазифасига фидойи. Фуқаролардан бирор камчилик юзасидан мурожаат келиб тушса, уни бартараф қилмагунча ҳаловат билмайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси билан хушмуомалада бўлади. Айниқса, ўзининг ширин сўзи билан вазифалари бироз қийин бўлган ишчиларнинг ҳам қулфи-дилини очиб юборади. Шаҳар ободлиги ҳамда фуқароларнинг яшаш тарзини яхшилаш учун жон куйдиради. Шунинг учун бўлса керак компания жамоасининг хизматидан аҳоли миннатдор.

– Ишимни яхши кўраман, – деди Шоҳсанам биз билан суҳбатда. – Компанияда иш фаолиятимизни янада такомиллаштириб, соҳага оид ҳужжатлар асосида олиб борамиз. Шаҳардаги 37 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатамиз. Жамоамиз билан фуқароларнинг ана шу уйларда ҳеч қандай муаммосиз яшашлари учун қўлимиздан келган барча ишни амалга оширяпмиз.

Дарвоқе, ўтган йили компанияга электр энергияси таъминотидаги носозликлар юзасидан 725 та мурожаат келиб тушган ва барча масала ўзининг ижобий ечимини топган. Бундан ташқари, уйларнинг ертўла қисмидаги марказий канализация ва хонадонлардан тик ўтган қувурларда мавжуд бўлган носозликлар бўйича 917 та мурожаат ҳам қисқа вақт ичида бартараф этилди. Қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида БСК тасаррufидаги Алишер Навоий ва Аэропорт кўчаларидаги уйларнинг бешта кириш йўлаги, ертўла қисмидаги электр қурилмалари соз ҳолга келтирилди. Натижада, электр таъминоти билан боғлиқ авариялар қайд этилмади. Бундан ташқари, йил давомида кўп қаватли уйларнинг 850 квадрат метр том қисми жорий таъмирланди.

...Шом ғира-ширасида Фарғонанинг кун ботиш томонидаги кўп қаватли уйдан елкасига чоғроқ сумка осган, сочини аста тартибга келтириб, атрофдаги бири-биридан гўзал кўп қаватли уйларга боқиб, юзида табассум билан қадам ташлаганча бир ёш аёл чиқиб келяпти. Бу – сизу биз билган, касбини жон дилдан севувчи Шоҳсанам Отаназаровадир. Фурсатдан фойдаланиб, Шоҳсанам ва у билан елкама-елка ишлаётган барча опа-сингилларимизни баҳорнинг илк байрами билан табриклаймиз.

# 81 ёшли қурувчи онахон

**Зулфизар МАВЛОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



**Барчамиз қурилиш соҳасини кўпинча эркаклар билан боғлаймиз. Оғир меҳнат, жисмоний куч талаб этувчи иш жойларида аёлларни кам учратамиз. Аммо, 81 ёшли Зарипа Чўллиева бу тасаввурни буткул ўзгартиради. У 1968 йилдан бери қурилиш соҳасида меҳнат қилиб келади ва ўз умрини севимли касбига бағишлаган. Тошкент Давлат ирригация институтни битиргач, йўлланма билан Бухорога ишга келган.**

– 1968 йил 16 январь куни илк ишимни йўл қурилиши инженери сифатида бошлаганим кечагидек ёдимда, – деди биз билан суҳбатда Зарипа Чўллиева. – Бу менинг бугунги кунгача амалга оширган муваффақиятли ишларимнинг дебочаси эди. Биринчи иш кунимни ўзида илгари ҳеч қачон сезмаган иштиёқ ва завқ билан бошладим. Кейинчалик ҳовлиларни қуриш ишларида иш юритувчи сифатида меҳнат қилдим. Ўз касбимда ишлаш менга куч, ғайрат берарди.

У қурилиш ишларида самарали меҳнат қилар экан, унга масъулиятли вазифаларни ишониб топширишди. Жумладан, Олот туман “Аму-Бухоро канал қурилиши”га қарашли ПМКда раҳбарлик қилган. Шунингдек, “Ҳамза-2 насос қурилиши”да ПМК-7да ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. Ҳозирда Зарипа Чўллиева раҳбарлик қилаётган “Маржона ирригация ва қурилиш” хизмати компанияси 2005 йилдан бошлаб қурилиш ишларида етакчилик қилиб келяпти. 20 йилдан бери турар жой, шифохона, мактаб ва боғчалар қуриш, қайта таъмирлаш ишларини амалга оширган. Компанияда 50 нафардан ортиқ доимий ва 60 нафарга яқин ёлланма ишчи фаолият юритади. Олот туманининг деярли 70 фоиз бинолари унинг бошчилигида қурилган.

Қурувчи момо улуғ ёшида ҳам ёшлар сингари серғайрат ва кучга тўла. Унинг жорий йилда ҳам режалари бисёр. 2024 йилда қурилиши бошланган 54 та 2 сотихли ҳовлиларни қуриб битказиш масъулиятини зиммасига олган ва ҳозиргача ҳовлилардан 9 таси қуриб битказилган. Узоқ йиллардан буён фаолият юритаётган қурувчи момонинг ишида камчиликлар кузатилмаганмикан, деб қизиққанимизда у фахр билан шундай жавоб берди:

– Соҳадаги салкам 60 йиллик фаолиятимда фуқаролардан шикоят тушмаган, ишимда камчиликлар учрамаган. Биргина 2014 йилда қурилган шифохона 10 йил бўлибдики, ҳалигача қайта таъмирлашга муҳтож эмас. Чунки ишимни ҳалол ва виждонан бажараман. Шунинг учун халқ мени яхши кўради. Туманда уй харид қилишни истаган ҳар бир киши “Уйни момо қурган бўлса, оламан”, дейди. Демак, халқнинг ишончига эришганман. Кўп йиллик меҳнатларим мукофотини аҳолининг ана шу гапида ҳис қиламан.

Момо йиллар мобайнида Саъдулло Рўзиев, Боқил Расулов, Учқун Жўраев сингари шогирдлар тайёрлади, кўплаб ёшларга соҳадаги тажрибаларини ўргатди. Энг ишонган ва суянган шогирдларидан бири Халил Сатторов билан 25 йилдан буён бирга ишлаб келади. У ҳам бошқа шогирдлар каби ўзининг фирмасида муваффақиятли иш олиб боряпти.

Зарипа Чўллиеванинг меҳнатлари давлат томонидан эътироф этилиб, 2017 йилда Конституциянинг 25 йиллиги ва 2022 йилда 30 йиллиги муносабати билан эсдалик нишони билан тақдирланган. 2018 йилда “Меҳнат фахрийси” ҳамда 2020 йилда “Меҳр-саховат” кўкрак нишони топширилган.

Зарипа момонинг олти ўғли бор ва уларни тарбиялаш билан бирга ҳеч қачон касбидан воз кечмаган.

Зарипа Чўллиева аёллар кучли, фидойи ва матонатли бўлишини амалда исботлаган. Қолаверса, “Аёл киши фақат уй бекаси бўлиши керак”, деган стереотипларга қарши чиқди ва меҳнати билан ўрнак бўлди. Бу каби аёллар ҳикояси жамиятда гендер тенглигини тарғиб қилиш учун жуда муҳим. Улар нафақат ўз ҳаёти, балки келгуси авлодлар учун ҳам йўл очиб беришяпти. Қурилиш аёллар касби эмас, деган тушунча аллақачон эскирди. Аслида, ҳар бир инсон ўз меҳнати ва меҳнатсеварлиги билан истаган жойда муваффақият қозониши мумкин.

Биз ҳам момони баҳор айёми билан қутлаб, узоқ умр ва саломатлик тилаймиз.



# Янги мақсадлар сари интилиш керак

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ҳаётда шундай инсонларга дуч келамизки, улар билан бир маротаба суҳбатлашганимиз ҳамон гўё узоқ йиллик танишдек ҳис қиламиз. Бундай инсонлар ўзларининг самимийлиги, беғаразлиги ва фидойилиги билан ҳаётимизда ўзгача из қолдиради.**



Нигина Усмонова ана шундай инсонларнинг ёрқин намунасидир. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва ташаббускорлиги билан у нафақат ўз касбининг моҳир устаси, балки жамият учун улкан фойдали хизматлар қилаётган ходим ҳам.

Тошкент шаҳрида туғилган Нигина Усмонова 2013 йилда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Инженер коммуникациялар факультетини тамомлаб, ўзи орзу қилган йўлга дадил қадамлар ташлади. Айнан шу йили “Қишлоққурилишлойиҳа” институтига ишга қабул қилинди ва бугунгача фаолият юритиб келмоқда. Ҳар бир янги лойиҳа, мураккаб ҳисоб-китоб ёки ижодий масалаларни ҳал этиш жараёнида Нигина ўзининг кундан-кун танлаган касбига меҳри ортганини ҳис қилди. Унинг фикрича, касб нафақат техник билимларни талаб қилади, балки одамларга ҳақиқий фойда келтирадиган тизимларни яратиш имкониятини ҳам беради. Ҳар бир ёрдам кўрсатилган қишлоқ, ҳар бир қуриб битказилган ҳудуд унинг ижодий истеъдодини ва меҳнатга бўлган муҳаббатини намоён этади. Унинг бу ютуқлари устозларининг қимматли сабоқлари ва доимий изланишлари натижасидир. Тажрибали муҳандислар Зинаида Хван, Валентина Яковлева ва Владимир Борсуковнинг берган кўрсатмалари унинг муваффақиятларини таъминлашда катта аҳамият касб этди.

У ўз фаолиятининг асосий қисмини иссиқлик таъминоти ва вентиляция соҳасига бағишлаган. 12 йиллик иш фаолияти давомида кўплаб ютуқларга эришди ва ҳозирда Иссиқлик таъминоти ва вентиляция бўлимида гуруҳ раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Асосий орзуларидан бири – замонавий технологияларни мукаммал ўзлаштириб, соҳада энг замонавий дастурлар асосида лойиҳаларни амалга оширишдир. Унинг бошчилигида бажарилган лойиҳалар – болалар боғчалари, мактаблар, поликлиникалар, санаториялар, университетлар, саноат цехлари, кўп қаватли уй-жойлар ва ҳатто ҳарбий қисмларнинг иссиқлик ва вентиляция тизимларини ташкил қилиш каби муҳим ижтимоий объектларни қамраб олади. Унинг яна бир орзуси – хорижий тилларни – хитой, инглиз ва немис тилларини ўрганиб, халқаро ҳамкорлар билан ишлашдир.

Суҳбатдошимиз учун фақат лойиҳалар ишлаб чиқиш эмас, балки билимларини бошқалар билан бўлишиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. У ўз соҳасида бир қанча шогирдлар етиштиришга улгурган. Бугунги кунда улар ҳам катта мутахассис сифатида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Нигина бу билан чекланмай, ўзининг изланишлари ва тажрибаси орқали янада кўпроқ ёш мутахассисларга йўл очишга интилади. У халқаро тажрибани мамлакатимиз инфратузилмасини ривожлантиришга татбиқ этишни ҳам мақсад қилган. Унинг меҳнати ҳамкасблари ва раҳбарият томонидан юқори баҳоланади. Ҳамкасблари уни изланувчан, масъулиятли ва тиришқоқ инсон сифатида ҳурмат қилишади. Унинг ғайрати, қатъияти ва профессионаллиги барча учун ўрнакдир.

Нигина каби фидойи инсонлар жамиятимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир. Уларнинг меҳнати нафақат бугунги кун, балки келажак авлодлар учун ҳам қадрли ва муҳимдир.

# Фидойи ходим

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ҳар бир инсон ақлини таний бошлагач ўз олдига мақсадлар қўйишни бошлайди. Ва шу мақсадлар йўлида тинмай ўқиб-изланади. Болаликданоқ кимдир ўқитувчи, кимдир қурувчи ва яна кимдир банк ходими бўлишни орзу қилади.**



Мақоламиз қаҳрамони Озода Эгамқулова ҳам ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўлида ўз устида ишлаб, жамоадошлари ҳурматини қозониб келаётган аёллардан бири. Мутахассислиги ҳуқуқшунос бўлсада, тақдир уни қурилиш соҳаси томон етаклади. Соҳадаги иш фаолиятини 1996 йилда Сирдарё вилояти ҳокимлигининг Мукаммал қурилиш бошқармасида бошлаган қаҳрамонимиз 28 йиллик иш тажрибасига эга. Шу йиллар давомида соҳада ўзига яраша тажриба орттириб улгурди. Билмаганларини устозлардан сўраб, билганларини ёшларга ўргатиб, ўзи ҳам малакали мутахассис бўлиб етишди. 2004 йилдан Сирдарё вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУКда кадрлар ва махсус ишлар бўйича мутахассис вазифасида ишлаб келмоқда.

– Давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятли, касбий тайёрланган кадрларни жалб этиш, ташкилотни зарур кадрлар билан таъминлаш ва ходимларнинг салоҳиятидан максимал даражада фойдаланишда кадрлар бўлими ходими муҳим роль ўйнайди, – деди Озода Эгамқулова биз билан суҳбатда. – Бу эса, ўз навбатида, корхона ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади. Ходимларни бошқарадиган ва корхонанинг юзини ифодаловчи функционал бирлик ҳам бизнинг касбимизга тўғри келади. Чунки ходимнинг корхона билан биринчи танишуви айнан кадрлар бўлимидан бошланади. Кадрлар бўлими мутахассиси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда раҳбарлик кўникмаларига эга бўлиши, шахсий масъулият, мустаҳкам интизом ва ташаббускорлик салоҳияти ҳамда кўникмаларини ўзида мужассам этиши зарур.

Жамоадошларининг эътироф этишича, Озода опада юқоридаги фазилатларнинг барчаси мужассам. Унинг ташаббускорлиги, ҳар бир ходимнинг кўнглига йўл топа олиши корхона ривожига ҳам катта куч қўшяпти. Ҳамкасбларини бошини бириктириб, эзгу ишлар қилишга ундаб келаётган опани корхонанинг каттаю кичик ходими ҳурмат билан эъзозлайди.

– Бугунги тажрибам, эришаётган ютуқларим замирида устозларимнинг ҳиссаси катта, – деди суҳбатдошимиз. – Иш фаолиятимда менга тўғри йўл кўрсатган инсонлардан умрбод миннатдорман. Орифжон Қурбонов, Бахтиёр Дўсназаров, Дилфуза Худойқулова, Курбан Алимов каби малакали устозларнинг маслаҳатларини олиб кам бўлмадим.

Дарҳақиқат, донишманддан “Инсон қандай ҳолатда бахтли бўлади?” деб сўрашганида у “Ўзининг севган ишини қилса!” деб жавоб берган экан. Рости ҳам шундай, инсон касбини севса, ундан фақат роҳат олади, натижада эса элига, юртига, атрофдагиларга фойда келтиради. Қаҳрамонимиз ҳам ишини жондан ортиқ кўрувчи, ҳар бир вазифага сидқидилдан ёндашиб, ўз вақтида бажарувчи фидойи ходимлардан.

Сирдарё вилояти “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК жамоасининг ҳурматию ҳавасига сазовор бўлиб келаётган Озода Эгамқулова ҳам бугунги ҳаётидан миннатдор ҳолда ўз касбига, ишига чин дилдан меҳр билан ёндашиб, Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этиб келмоқда.

# Элга наф келтираётган аёл



**Қурилиш ва бунёдкорлик ишларида тоблангaнлардан бири, шўрчилик Насибахон Ҳакимовадир. Унинг мактаб давридан шу соҳага қизиққанини кўрганлар, “Келажакда бу қиз кўпнинг корига ярайди”, деб бежизга айтишмаган экан. Термиз давлат университетини тамомлаб, дастлабки иш фаолиятини Шўрчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимидаги касб-ҳунар коллежида ўқитувчиликдан бошлади.**

Яхши меҳнат қилган киши ҳеч қачон назардан четда қолмас экан. Насибахон ҳам касбига садоқати ва қурилиш соҳасини мукаммал ўзлаштириб, бунёдкорлик ишларида янгиликларни қўллагани туфайли хизмат пиллапояларидан баландлаб бораверди. Учинчи йилдирки, у туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Шу йиллар давомида ҳудуддаги муддатини ўтаб бўлган кўп қаватли уйларни реконструкция қилиш, мактаб ва болалар боғчаларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, маҳаллалар қиёфасини замон талабига мослаштириш ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби ечимини кутаётган кўплаб масалаларга барҳам беришга бош-қош бўлди.

Жумладан, сўнгги йилларда ҳуддаги “Эзгулик”, “Элбаён”, “Ойнакўл”, “Савуртепа”, “Жойилма”, “Шалдироқ”, “Қоқайди”, “Бахшитепа-1”, “Ғармақўрон”, “Бўстон” каби маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ички кўчалар ободонлаштирилиб, ҳайдовчи ва пиёдалар учун алоҳида йўллар қурилди. Шулар қатори бир қанча эски кўп қаватли турар жой бинолари мукаммал таъмирланиб, оқова ҳамда ичимлик сув билан боғлиқ муаммоларга барҳам берилди. Шунингдек, спорт майдончалари қурилиб, тунги ёритгичлар ўрнатилди, йўлакларнинг эшиклари замонавийсига алмаштирилиб, муддатини ўтаб бўлган қувурлар янгиланди.

Инсонларга наф келтириш олий қадрият эканини қалбига жойлаган Насибахон 2025 йилги режаларни ҳам амалга оширишни бошлаб юборган. Жумладан, юқорида номлари қайд қилинган маҳалла фуқаролар йиғинларидаги бир қатор умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, иккита ҳудуддаги мактабгача таълим муассасасида 120 ўринли янги бино қуриш, 40-сонли боғчани мукаммал таъмирлаш ва қўшимча бино қуриш, “Қора ариқ” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Янгиер қишлоғида кўп қаватли умумтаълим мактабини қуриш, учта маҳалла ҳудудини замон талабига мослаштириш каби ишларни белгиланган муддатда бажаришга аҳд қилган.

**Ўз мухбиримиз.**


"O'ZSHAHARSOZLIK LITI"
·1928·
Азиз ва қадрли аёлларимизни
8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ
билан қутлаймиз.
Гўзал юзингиздан ҳеч қачон табассум аримасин!
Кўзларингизда доимо бахт алангаси чақнаб турсин!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-19 (870-872) 2025 йил 7 март










8
“QISHLOQQURILISHLOYIHA”
бош лойиҳа институти ДМ
Муниса онахонлар, меҳрибон опа-сингилларимизни
8 март –
Халқаро хотин-қизлар куни
билан табриклаймиз.
Умрингиз узун ва мазмунли,
ҳаёт йўлингиз ҳамиша чароғон бўлсин!
Юрт равнақи йўлидаги масъулиятли
фаолиятингизда омад ёр бўлсин.


ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида ҳудудий
назорат қилиш инспекцияси
Азиз аёллар, муҳтарама
онажонлар, мафтункор
опа-сингиллар баҳорий айём –
Халқаро
хотин-қизлар куни
билан табриклаймиз.
Сизларга бахту саодат, узоқ умр ҳамда
қалб хотиржамлиги тилаб қолади!


ТОШКЕНТ ШАҲАР
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида ҳудудий
назорат қилиш инспекцияси
Аёл борки олам мунаввар.
Ҳаётимизни мунаввар
этиб, меҳр нурини сочиб
келаётган барча аёлларга
ХАЛҚАРО
ХОТИН-ҚИЗЛАР
КУНИ
муборак бўлсин.
Шодлик, қувонч ва
бахт сизларни
асло тарк этмасин.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-19 (870-872) 2025 йил 7 март



## «SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI» DM

va uning hududiy boshqarmalari jamoalari

*Юртимизнинг барча аёлларини баҳорнинг илк байрами –*

## 8 МАРТ

**Халқаро хотин-қизлар куни**

*билан қутлаймиз.*

*Дилбар опа-сингиллар,*
*азиз аёллар, сиҳат-саломатлик бахт ва*
*қувонч доимо ҳамроҳингиз бўлсин!*




## ЛОЙИҲАЧИ ВА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилояти, Паркент туманида қурилиши режалаштирилган замонавий меҳмонхона лойиҳаси учун Бош лойиҳа ва Бош пудрат ташкилотларини танлаб олиш бўйича**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар таклифлари қабул қилинишини маълум қиламиз.

Энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.

Шуни таъкидлаб ўтамизки, қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширилишини инобатга олиб, тижорий таклифларни тақдим қилишда пудрат ташкилотлари назорат ўлчови натижаларига мувофиқ аниқланадиган умумий қийматдан чегирма беришлари, лойиҳа ташкилотлари эса лойиҳанинг дастлабки қийматидан маълум бир миқдорда фоиз кўринишида ўз таклифларини беришлари лозим бўлади.

Таклифлар 2025 йил 14 мартга қадар Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10-“А” уй манзилида “Chimgan Residence” МЧЖ офисида қабул қилинади.

**Маълумот учун телефон:** 99-030-50-90.
**Электрон почта:** psb_capital@mail.ru

## ЛОЙИҲАЧИ ВА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**“Perfect capital investment” МЧЖ томонидан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида “Чимён” халқаро умуммавсумий курорти ҳудудида қурилиши режалаштирилган замонавий меҳмонхона лойиҳаси учун Бош лойиҳа ва Бош пудрат ташкилотларини танлаб олиш бўйича**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар таклифлари қабул қилинишини маълум қиламиз.

Энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.

Шуни таъкидлаб ўтамизки, қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширилишини инобатга олиб, тижорий таклифларни тақдим қилишда пудрат ташкилотлари назорат ўлчови натижаларига мувофиқ аниқланадиган умумий қийматдан чегирма беришлари, лойиҳа ташкилотлари эса лойиҳанинг дастлабки қийматидан маълум бир миқдорда фоиз кўринишида ўз таклифларини беришлари лозим бўлади.

Таклифлар 2025 йил 18 мартга қадар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7-“Б” уй манзилидаги АТ Халқ банки бош офисида қабул қилинади.

**Маълумот учун телефон:** 90-996-59-09.
**Электрон почта:** percapinvest@xb.uz

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога “LOMBARD AVANGARD-CREDIT” МЧЖнинг 2025 йил 3 мартдаги 15-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 20 февраль, 10 декабрь ва 2025 йил 7 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 60-уй, 66-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 1703 | Браслет, о.в. 6,38 гр., ч.в. 5,90 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 1.65 гр., ч.в. 1,65 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 3,00 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 5,51 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 6 675 189,81 |
| 2. | 4063 | Браслет, о.в. 5,20 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 5,00 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 2,79 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо с бе. и чер. кам., о.в. 2,31 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; цепь с подвеск. с бел. кам., о.в. 3,55 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр.; кольцо с бел. и зел. кам., о.в. 1,63 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.; серьги с бел. и зел. кам., о.в. 8,32 гр., ч.в. 6,00 гр., 585 пр. | 11 596 854,51 |
| 3. | 4106 | Браслет с бел. кам., о.в. 6,69 гр., ч.в. 6,00 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. и жем., о.в. 5,52 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.; кольцо с бел. и жем. кам., о.в. 2,92 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 6 769 589,81 |
| 4. | 4130 | Цепь, о.в. 5,22 гр., ч.в. 5,22 гр., 585 пр. | 2 287 209,82 |
| 5. | 4146 | Серьги с бел. кам., о.в. 3,28 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр. | 1 921 589,82 |
| 6. | 4210 | Кольцо, о.в. 3.69 гр., ч.в. 3.69 гр., 585 пр. | 2 224 589,82 |
| 7. | 4219 | Кольцо, о.в. 1.70 гр., ч.в. 1.70 гр., 585 пр. | 785 339,82 |
| 8. | 4343 | Кольцо с бел. и зел. кам., о.в. 3,14 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серьги с бел. и зел. кам., о.в. 5,72 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр. | 3 505 194,07 |
| 9. | 4345 | Кольцо, о.в. 3,38 гр., ч.в. 3,38 гр., 585 пр. | 2 073 089,82 |
| 10. | 4346 | Цепь, о.в. 3,11 гр., ч.в. 3,11 гр., 585 пр. | 1 921 589,82 |
| 11. | 4347 | Кольцо с бел. и чер. кам., о.в. 2,36 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр. | 1 164 089,82 |
| 12. | 4348 | Кольцо, о.в. 3,09 гр., ч.в. 3,09 гр., 585 пр. | 1 921 589,82 |
| 13. | 4370 | Цепь, о.в. 12,36 гр., ч.в. 12,36 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 2,98 гр., ч.в. 2,98 гр., 585 пр. | 8 449 219,82 |
| 14. | 4505 | Серьги с бел. кам., о.в. 4,16 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 1,37 гр., ч.в. 0,70 гр., 585 пр. | 2 224 589,82 |
| 15. | 4546 | Цепь, о.в. 10,82 гр., ч.в. 10,82 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 2,23 гр., ч.в. 2,23 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 2,19 гр., ч.в. 2,19 гр., 585/500 пр.; кольцо, о.в. 5,20 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,18 гр., ч.в. 5,18 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,32 гр., ч.в. 2,32 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. нет 1-го кам., о.в. 2,73 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 3,57 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 4,39 гр., ч.в. 3,90 гр., 585 пр. | 22 222 589,82 |
| 16. | 4588 | Браслет с бел. кам., о.в. 6,28 гр., ч.в. 5,50 гр., 585 пр. | 3 018 631,62 |
| 17. | 4653 | Браслет, о.в. 6,44 гр., ч.в. 6,44 гр., 750 пр. | 3 891 089,82 |
| 18. | 4742 | Кольцо с бел. кам., о.в. 3,02 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр. | 1 617 933,32 |
| 19. | 4746 | Цепь, о.в. 5,08 гр., ч.в. 5,08 гр., 585 пр. | 2 880 584,82 |
| 20. | 4769 | Кольцо, о.в. 5,67 гр., ч.в. 5,67 гр., 585 пр. | 3 256 607,82 |
| 21. | 4779 | Цепь зам., о.в. 19,82 гр., ч.в. 19,82 гр., 585 пр. | 11 920 589,82 |
| 22. | 5280 | Цепь, о.в. 5,11 гр., ч.в. 5,11 гр., 585 пр. | 3 133 589,82 |
| 23. | 5436 | Кольцо, о.в. 2,25 гр., ч.в. 2,25 гр., 585 пр. | 1 542 839,82 |
| 24. | 5467 | Кольцо, о.в. 2,98 гр., ч.в. 2,98 гр., 585 пр. | 1 997 339,82 |
| 25. | 5494 | Кольцо, о.в. 2,20 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,28 гр., ч.в. 3.28 гр., 585 пр. | 3 337 205,82 |
| 26. | 5635 | Кольцо с бел. кам., о.в. 2,02 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 4,56 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр. | 3 815 339,82 |
| 27. | 194 | Цепь, о.в. 2,11 гр., ч.в. 2,11 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 7,58 гр., ч.в. 7,58 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,99 гр., ч.в. 5,99 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,64 гр., ч.в. 3,64 гр., 585 пр.; браслет с цвет кам, о.в. 6,66 гр., ч.в. 6,10 гр., 585/500 пр.; кольцо с бел кам, о.в. 3,80 гр., ч.в. 3,70 гр., 585 пр.; серьги с бел кам, о.в. 3,91 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр.; кольцо с бел и зел кам, о.в. 2,51 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо с бел кам, о.в. 3,05 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр. | 24 343 589,82 |
| 28. | 244 | Кольцо с бел. кам., о.в. 1,90 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр. | 1 254 989,82 |
| 29. | 255 | Цепь с подвес. с бел. кам., о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 2,97 гр., ч.в. 2,35 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. и жем., о.в. 5,26 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 4 632 227,81 |
| 30. | 295 | Кольцо, о.в. 3,30 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр. | 2 224 589,81 |
| 31. | 447 | Серьги с цвет. кам., о.в. 2,34 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 1 391 339,81 |
| 32. | 568 | Цепь с подвеск, о.в. 5,63 гр., ч.в. 5,63 гр., 585 пр. | 3 739 589,82 |
| 33. | 579 | Браслет, о.в. 8,77 гр., ч.в. 8,10 гр., 585 пр. | 3 063 899,82 |
| 34. | 581 | Кольцо с бел. кам., о.в. 6,22 гр., ч.в. 5,60 гр., 585 пр. | 3 133 589,82 |
| 35. | 653 | Браслет, о.в. 5,34 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр. | 2 982 089,82 |
| 36. | 668 | Браслет с бел. кам., о.в. 4,64 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 2 601 067,32 |
| 37. | 674 | Цепь, о.в. 3,85 гр., ч.в. 3,85 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 1,97 гр., ч.в. 1,97 гр., 585 пр.; кольцо с бел кам, о.в. 2,91 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр. | 5 633 339,82 |
| 38. | 726 | Серьги с бел. кам., о.в. 3,40 гр., ч.в. 2,55 гр., 585 пр. | 1 770 089,82 |
| 39. | 740 | Кольцо с бел кам, о.в. 1,68 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.; серьги с бел кам, о.в. 4,34 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр.; кольцо с бел кам, о.в. 3,42 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр.; кольцо с бел кам, о.в. 2,12 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 6 921 089,82 |
| 40. | 860 | Кольцо, о.в. 7,17 гр., ч.в. 7,17 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 4,67 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр. | 7 678 589,81 |
| 41. | 868 | Серьги с бел. кам., о.в. 5.11 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 3 360 839,81 |
| 42. | 898 | Колье, о.в. 11,76 гр., ч.в. 11,76 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,12 гр., ч.в. 4,12 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 8 565 369,81 |
| 43. | 958 | Колье, о.в. 15,25 гр., ч.в. 15,25 гр., 585 пр. | 9 951 089,82 |
| 44. | 990 | Кольцо, о.в. 6,88 гр., ч.в. 6,88 гр., 750 пр.; серьги, о.в. 3,26 гр., ч.в. 3,26 гр., 585 пр.; кулон с бел. кам., о.в. 5,24 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр.; кольцо с сирен. кам., о.в. 10,52 гр., ч.в. 9,50 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 3,24 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 4,61 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр.; кольцо с бел. и гол. кам., о.в. 4,68 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр.; серьги с бел. и гол. кам., о.в. 4,58 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр. | 25 858 589,82 |
| 45. | 1035 | Браслет с бел. кам., о.в. 2,88 гр., ч.в. 2,55 гр., 585 пр. | 1 690 097,82 |
| 46. | 1080 | Кольцо, о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр. | 1 012 589,82 |
| 47. | 1133 | Серьги, о.в. 5,29 гр., ч.в. 5,29 гр., 585 пр. | 1 618 589,82 |
| 48. | 1143 | Цепь, о.в. 23,45 гр., ч.в. 23,45 гр., 585 пр. | 15 253 589,82 |
| 49. | 1171 | Кольцо с бел. кам., о.в. 2,54 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 2,86 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. | 3 133 589,82 |
| 50. | 1289 | Кольцо с бел. кам., о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; кольцо с бел. и зел. кам., о.в. 2,16 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр. | 2 679 089,82 |
| 51. | 1323 | Серьги с сирен. кам., о.в. 1,35 гр., ч.в. 0,60 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 4,43 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 2 880 190,92 |
| 52. | 1361 | Браслет, о.в. 10,06 гр., ч.в. 10,06 гр., 585 пр.; колье, о.в. 22,48 гр., ч.в. 22,48 гр., 585 пр. | 21 313 589,82 |
| 53. | 1414 | Серьги, о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,30 гр., 750 пр.; цепь, о.в. 1,61 гр., ч.в. 1,61 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 1,53 гр., ч.в. 1,53 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 0,85 гр., ч.в. 0,85 гр., 585 пр. | 4 269 839,82 |
| 54. | 1477 | Серьги, о.в. 5,62 гр., ч.в. 5,62 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,14 гр., ч.в. 4,14 гр., 585 пр. | 5 500 928,82 |
| 55. | 1478 | Цепь с подвес., о.в. 1,52 гр., ч.в. 1,52 гр., 585 пр. | 886 844,82 |
| 56. | 1480 | Браслет с эмал., о.в. 4,59 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 2 073 089,82 |
| 57. | 1500 | Серьги с зел. кам., о.в. 4,52 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо с зел. кам., о.в. 2,89 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр.; кольцо с гол. и бел. кам., о.в. 3,17 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серьги с гол. и бел. кам., о.в. 4,70 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 5 703 029,82 |
| 58. | 1515 | Серьги с брил. оск., о.в. 6,81 гр., ч.в. 6,81 гр., 585 пр. | 4 800 089,82 |
| 59. | 1659 | Кольцо с бел. кам., о.в. 2,65 гр., ч.в. 2,65 гр., 585 пр. | 1 940 608,12 |
| 60. | 1702 | Кольцо с бел кам, о.в. 1,52 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр. | 1 025 598,62 |
| 61. | 1707 | Серьги с бел. и зел. кам., о.в. 6,00 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 3,28 гр., ч.в. 3,28 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 5,96 гр., ч.в. 5,96 гр., 585 пр. | 6 456 106,10 |
| 62. | 1719 | Кольцо с чер. кам., о.в. 2,81 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 1,53 гр., ч.в. 1,00 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; цепь с подвеск., о.в. 1,92 гр., ч.в. 1,92 гр., 585 пр. | 4 800 089,82 |
| 63. | 1898 | Кольцо с бел. и зел. кам., о.в. 2,56 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; серьги с бел. и зел. кам., о.в. 4,50 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 3 360 839,82 |
| 64. | 1952 | Цепь, о.в. 4,44 гр., ч.в. 4,44 гр., 585 пр. | 3 285 089,81 |
| 65. | 2291 | Браслет, о.в. 11,03 гр., ч.в. 11,03 гр., 585 пр. | 6 516 216,16 |
| 66. | 2459 | Кольцо с брил., о.в. 13,22 гр., ч.в. 13,22 гр., 750 пр.; серьги с брил., о.в. 22,38 гр., ч.в. 22,38 гр., 750 пр. | 25 858 589,81 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **361 318 329,58** |

Аукцион савдолар **2025 йил 8 апрель** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2025 йил 4 апрель куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 8 апрель** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 22 апрель ва 6 май кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13- “А” уй.
**Телефон:** 71-237-23-96.
**Расмий веб сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# YO‘L BOSHLANGAN KUN

**Shahboz MURTAZAYEV,** O‘zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi prokurorlik faoliyati yo‘nalishi talabasi.

**Ona...**

**Bu so‘z qanchalar ezgu, qanchalar ulug‘. Har safar onamning yuziga boqqanimda, yuragim eziladi. Uning ajin bosgan peshonasi, ko‘zlaridagi chuqur o‘ylar menga hayotning og‘ir yukini yodga soladi. Tushimda uni Haj safariga kuzatayotganimni ko‘rdim. Quyosh hali to‘liq ko‘tarilmagan. Osmonda tong nuri taralayotgan bo‘lsa-da, yuragim allaqachon charaqlab yonardi. Onam bilan yonma-yon ketayotgan emishmiz. Uning egnida oppoq libos, boshida esa yangi oq ro‘mol. Yuzlarida shunday sokinlik, shunday tinchlik bor ediki, bu holatni so‘z bilan ifodalash mushkul. Unga tikilarkanman, qalbimda qandaydir g‘urur paydo bo‘ldi. Nihoyat, hayotimdagi eng muhim vazifalardan birini ado etayotgan edim – onam bilan muqaddas safarga ketayotgan edik.**

Yo‘lda ketarkanmiz, u menga bolaligimdagi voqealarni eslatardi.

“Eslaysanmi, bolam, birinchi marta maktabga borgan kuningni?” deya jilmayib menga boqdi. Men esa boshimni egib, ko‘zlarimni yerga tikdim. Chunki bilardim, onam hayotim davomida mening qo‘limdan tutib, doim oldinga yetaklagan. Endi esa men uning qo‘lidan ushlab, muqaddas yo‘lga boshlayotgan edim. Tushimda biz Ka’baga yetib kelgan edik. Onam yig‘lab turgan edi. Uning shivirlab aytayotgan duolarini eshitdim. “Ey Robbim, bolamni omon saqla, unga ilm-u ma’rifat ato et, unga halol rizq ber, uning orzularini ro‘yobga chiqar...”.

Bu so‘zlar yuragimni larzaga soldi. O‘zim uchun qilayotgan barcha orzularim, harakatlarim birdan hech narsaga arzimasdek tuyuldi. Axir, mening eng ulug‘ orzuyim – onamning roziligini olish emasmi? Tushimda shunday zavq-shavq bilan yurarkanman, onam biroz to‘xtadi. Menga mehr bilan boqib, jilmaydi:

– Bolam, sen meni shu joyga yetkazib qo‘yding. Endi yo‘l bosishing kerak. O‘z yo‘lingni...

Hayrat bilan unga tikildim.

– Onajon, nima demoqchisiz? Axir, biz birgamiz-ku! Men sizsiz hech qayerga keta olmayman!

Onam esa faqat jilmaydi. So‘ng menga qo‘l uzatdi. Men esa uning qo‘llarini mahkam ushlab, hech qachon qo‘yib yubormaslik uchun jon-jahdim bilan intildim. Lekin asta-sekin uning qo‘llari qo‘limdan sirg‘alib chiqdi... Shu payt yuragimni og‘riqli his qamrab oldi. Onam mendan uzoqlashar, Ka’ba tomonga yo‘l olardi. Men esa unga yetishmoqchi bo‘lib intilsam-da, oyoqlarim qotib qolgandi.

Shu payt uyg‘onib ketdim. Yuragim shiddat bilan urayotgan edi. Qorong‘i xonamda bir muddat ko‘zim shiftga tikilgancha yotdim. So‘ng, qo‘lim bilan yuzimni siladim. Ich-ichimdan kelgan bir kuch meni o‘rnimdan turishga undadi. Onamning xonasiga borib, uning yuziga termildim. U hali uyquda edi. Jim turib, yuragimdagi hislarni so‘z bilan ifodalashga harakat qildim.

“Tushim haqiqat bo‘lishi uchun hamma narsaga tayyorman, onajon! Sizni Hajga kuzatib qo‘yaman! Bu mening orzuyim, bu mening burchim!” Uzoq yillar davomida qilgan harakatlarim, hayotimdagi har bir intilishim faqat bitta narsaga xizmat qilishi kerak – onamning duosini olishga.

O‘sha tush hayotimdagi eng muhim tush bo‘ldi. Va men, o‘sha tushni ro‘yobga chiqarishga ahd qildim...

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ
## муборак бўлсин!

### 2025 йил март ойининг 7-13 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Азиз Халилов,** раҳбар котибаси **Шаҳло Азимова,** Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (ахборот хизмати) бош мутахассиси **Зуҳра Эргашева,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Дониёр Абдураззаков,**

“Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти” Стандартлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Нодира Мустафоева,** Мувофиқликни баҳолаш бошқармаси лаборатория бошлиғи **Сардор Ғозибеков,** етакчи мутахассис **Соатмурот Қиличов,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ етакчи муҳандиси **Жаҳонгир Обиджонов,** “Марказий” филиали ҳайдовчиси **Мусурмон Ортиқов,**

“Ташгипрогор” АЖ етакчи газ муҳандиси **Ирина Ноздрина,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ ОВ муҳандиси **Мирабдуллох Мирсаидов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” bosh loyiha instituti davlat muassasasi “Сурхондарё” филиали муҳандиси **Отамурод Раимов,** Смета ва нархларни шакллантириш бўлими муҳандиси **Саодат Тоғаева,** Бош директорнинг лойиҳа ишлари бўйича ўринбосари-институт бош архитектори **Бунёд Эрмаматов,** Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси қўриқчиси **Мирадил Сагатов,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 6-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори **Бахтиёр Магдиев,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси техниги **Феруза Насирова,** “Қашқадарё” филиали директори **Шоҳрух Хушмурадов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Дауранбек Аймуратов,**

Андижон вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош режаларга риоя этилиши устидан давлат архитектура назорати бўйича бош мутахассиси **Сардорбек Хомидов,** Андижон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Нодир Каримов,**

Бухоро вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бош мутахассиси **Фахритдин Қаландаров,** Ғиждувон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Зухриддин Ахадов,** Навбатчилик кисми ҳайдовчиси **Зоҳиджон Тўрақулов,**

Қашқадарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи **Зоҳиджон Зокиров,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассислари **Сардор Сайимов, Муҳриддин Хўшбақов,**

Сирдарё Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Ҳусан Раббимов,** Шўъба бошлиғи **Фарҳод Қулматов,** бош мутахассиси **Нуриддин Исаков,** Оқолтин тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Бунёд Жўрақулов,** Гулистон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жасурбек Умаров,**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Махамади Бекпўлатов,**

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Улуғбек Холматов,**

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассиси **Отабек Набижонов,**

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги “Қоракўл қурилиш коммунал” БСК МЧЖ бош директори **Аловуддин Оймуротов,**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Шокир ҳудудий Тех Сервис” БСК МЧЖ бош директори **Шокир Розиков,**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги “Sarvar Termiz Servis” БСК МЧЖ бош директори **Садриддин Отақулов,** Ангор туманидаги “Ангор-Бошқарув-Сервис” БСК МЧЖ бош директори **Зулайҳо Ашурова,**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги “Grand Sfera kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Оловутдин Тангриқулов,**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Омадли-қуёш-коммунал” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Шуҳрат Ишмуҳамедов,** “Нукус-вип-сервис” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Оловуддин Тангирқулов,** Мирзо Улуғбек туманидаги “Оқибат-1-коммунал” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Шаҳобиддин Акбаров,** Яккасарой туманидаги “Sharaf-ota-uyi-УЖМШ” бошлиғи **Нозима Убайдуллаева,** Мирзо Улуғбек тумани, Навниҳол маҳалласи, 4-уй бевосита уй-жойлар мулкдорлари томонидан бошқариладиган уй бошқарувчиси **Ирина Шароватова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлик тилаймиз!**


# “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти Кенгашининг 2025 йил 6 мартдаги 1-31-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси чиқарилмоқда:

2015 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 697 МВА бўлган, таъмирталаб “Cobalt” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 61 073 000 сўм.

**Аукцион савдо 2025 йил 7 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” манзилида жойлашган “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали биносида ўтказилади.**

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулклар билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.

**Расмий сайтимиз:** www.rmm.uz




# 8 МАРТ
## кроссворди




### САВОЛЛАР

**Бўйига:** 1. Башарият онаси – ... Ҳаво. 3. Катта буви. 4. Волидаи муҳтарама. 5. Дуккакли экин. 6. Тўлиқ равишда, буткул. 7. Ўзбекистон халқ артисти ... Раҳматова. 8. Фаҳм, фаросат. 12. Меъёрдагидан паст нарх. 13. Хушбўй ҳид. 14. Аёллар исми. 15. Лотин тилидан тарқалган тиллар филологияси мутахассиси, олим. 16. Россиялик таниқли журналист, бошловчи Екатерина ... . 20. Қурол-яроғ. 21. Кичик овсин катта овсинни ҳурмат юзасидан шундай атайди. 23. Деразамнинг олдида бир туп ... оппоқ бўлиб гуллабди (Ҳамид Олимжон).

**Энига:** 2. Кўкламда туғилган қизга қўйилган исм. 5. Латиф кўриниш, чирой. 9. Хат-саводсиз, ўқимаган. 10. Бирор ғоя, тушунча, ҳодиса кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белги, ишора. 11. Эртаклардаги жодугар кампир. 12. Бобоси Ўзбекистонда жамоа хўжалиги раиси бўлган россиялик қўшиқчи ... Цой. 15. “Садо” эстрада гуруҳининг собиқ аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш ... . 17. Яхшининг акси. 18. “Ўткан кунлар” асари қаҳрамони Кумушга берилган нисбат. 19. “... Каренина” (Л.Толстой асари). 21. “Ҳа”, “тўғри”, “ҳаммаси яхши” маъноларини билдирувчи жаҳон миқёсда тарқалган сўз. 22. Хонанда Мавлуда ... . 24. Юксак ҳурмат, иззат-икром.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шерзод Ҳидоятов,
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 341.
2091 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир –**
Р. Хўжаева.
**Навбатчи –**
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 22.30.
Топширилди – 02.40. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 14 март куни чиқади.